O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 27-DEKABR ■ SHANBA ■ 152-153 (27.173) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Баркамол авлод орзуси

ИҚТИДОРЛИЛАР ТАНЛОВИ

РЕСПУБЛИКА ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА «ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИ» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мамлакатимиз таълим тизимида юз бераётган ислоҳотлар исътеъдодли ёшлар таълим-тарбиясига, улар ўз иқтидорини намойиш этишига кенг имкониятлар очиб берди. Куни кеча республика ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида «Энг иқтидорли ўқувчи» кўрик-танловининг якуний босқичи Собир Раҳимов туманидаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Беллашув шартига кўра, саноат, алоқа, халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик йўналишларида куч синашган талабалар танловнинг вилоят босқичларида ғолиб бўлгандан сўнг пойтахтга тўпландилар.

Кўрик-танлов ҳайъати ҳукмига жами 76 та иш ҳавола этилди. Унинг аҳамияти шундаки, асосий эътибор истеъдодларни излашга, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилади. Кўрик-танлов кўргазмасидан жой олган мўъжазгина мўъжизалар йиғилганларни ҳайратлантирди. Митти ҳайкалчалар, қўшиқларимиздек қадим кашталар, турли миллий ҳунармандчилик буюмлари, тегирмон, бешикчалар, қисқаси, қадимий санъатимиз боболардан мерос бўлиб бизгача етиб келаётганлигидан далолат беради. Республика ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг бу ташаббуси баркамол, билимли, ҳунарли фарзандларимизга ойдин келажак йўлини кўрсатади.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

✧✧✧

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси М.Сафаева бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг Тошкент вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

Корхона, муассаса ва ташкилотларда ишловчи кишилар меҳнатини муҳофаза қилиш, касб касалликларининг олдини олишга қаратилган мазкур Қонуннинг бажарилиши юзасидан вилоятда муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ўтган йил давомида мавжуд корхоналар томонидан қонун асосида ноқулай меҳнат шароитида ишлайдиганларга қўшимча шароит яратиш йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг ўн бир ойи мобайнида вилоятдаги 394 корхона ва ташкилотда текшириш ўтказилиб, меҳнат муҳофазаси ва шароитлари бўйича йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан 393 ёзма кўрсатма берилган, хавфсизлик техникаси талабларига жавоб бермайдиган ва ходимлар соғлиғига таҳдид солаётган ўн битта дастгоҳ ва битта устахонанинг иши тўхтатилган.

Яқинда республика «Истеъдод» жамғармаси ҳайъати Австрияда бўлди. Ўзбекистонлик ўн нафар муаллим мазкур мамлакатга ўтган йили илк марта сафар қилиб, Австрия маориф тизими билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганди. Бу галги 15 кишилик жамғарма ҳайъати таркибига мамлакатимиз вилоятлари билим юртлари вакиллари кирди.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЗИЁЛИЛАР — АВСТРИЯДА

Ташриф дастури Австрия таълим тизимининг деярли барча босқичларини қамраб олди ва ҳамюртларимиз мазкур мамлакатнинг бошланғич мактабларидан тортиб, Европанинг энг қадимий олий ўқув юртларидан бири ҳисобланмиш Вена университетида қўлланилаётган ўқитиш услублари билан танишдилар. Асосий эътибор «Интернет» тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда масофавий таълим тизимини ўрганишга қаратилди.

Мазкур сафар таассуротлари ҳамкорликнинг янги лойиҳаларини тузишга чорлади. Масалан, тез орада австриялик муаллимларнинг Ўзбекистонга жавоб ташрифини амалга ошириш, мактаб ўқувчилари ва талабалар ўртасида алмашувларни уюштириш, биргаликда машғулотлар ўтказиш, таълимнинг янги услубларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

«Жаҳон» АА

ҚОҲИРА УНИВЕРСИТЕТИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикасининг Мисрдаги элчихонаси ҳамда Қоҳира университетининг Иқтисод ва сиёсий илмлар факультети қошидаги Осиё мамлакатлари тадқиқоти маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси муносабатлари. Ўзбекистонда диний сиёсат» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Семинарда Қоҳира университетининг профессор-ўқитувчилари, Осиё тадқиқотлари маркази ходимлари, илмий тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этишди.

Семинарда профессор Ҳуда Миткис, Иқтисод ва сиёсий илмлар факультети декани, профессор Камол Мануфий сўзга чиқиб, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги муносабатлар йилдан-йилга ривожланиб бораётганини, икки томонлама дўстона алоқалар ўрта асрлардан буён мавжудлигини таъкидлашди. Айни пайтда Қоҳирада Миср — Ўзбекистон дўстлик жамияти, Искандария шаҳрида эса унинг бўлими фаолият олиб бораётганини сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий соҳалардаги ҳамкорлик меваси сифатида баҳолади.

Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси ходимлари томонидан тайёрланган «Ўзбекистонда диний сиёсат» мавзуидаги маълумотнома семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ушбу маълумотномада Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари асосида фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолати, дин ва динга муносабат, диний эътиқод ва исломий обидалар, юртимизда барча дин вакиллари учун яратилган шарт-шароитлар каби мавзуларга эътибор қаратилди. Семинар иштирокчилари Ўзбекистон фуқароларига ҳаж ва умра ибодатларини амалга ошириш учун яратилган қулайликлар, тарихий ислом обидалари давлат томонидан таъмирланиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига ўтказилгани, ислом илмининг буюк намояндалари Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, ал-Мотуридий ва Абдулхолиқ Ғиждувоний каби уламолар хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий анжуманлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлдилар.

Анжуман қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари, Ўзбекистон ҳақида чоп этилган китоб ва журналлар ҳамда «Ўзбекистон ислом обидалари» кўчма фотокўргазмаси намойиш этилди.

«Жаҳон» АА

Газетада босилмади, аммо...

ИЖРО НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

«... Жамиятимизга қарашли бош бекатимиз майдони ўрнида ҳеч қандай асоссиз дўкон ва расталар қурилиши бошланди... Бизга бошқа ердан автобекат майдони беришни ваъда қилиб кўчиришди Аммо...»

Ғиждувон «Йўловчи-сервис» очиқ акциядорлик жамияти аъзоларидан бир гуруҳининг таҳририятимизга йўллаган аризасини **Бухоро вилояти ҳокимлигига жўнатган эдик. Ҳоким ўринбосари Фазлиддин АТАЕВдан** кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида жавоб хати олинди.

«...ариза вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳи ва Ғиждувон туман ҳокимлиги мутахассислари ҳамда жамият аъзолари иштирокида жойида ўрганиб чиқилди ва шу йил 15 декабрда атрофлича муҳокама қилинди.

Маълумки, 2003 йилда Ғиждувонда буюк аллома Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш муносабати билан кенг кўламда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шаҳардаги деҳқон бозори эски пахта заводи ҳудудига кўчирилганлиги ва унга ёндош кўчаларнинг кенгайтирилганлиги учун йўл бўйидаги мавжуд савдо расталарини тартибга солиш мақсадида «Йўловчи-сервис» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли ер майдонининг бир қисмида туман ҳокими қарори билан янги савдо дўконлари қурилди. Бу билан жамият иш фаолияти ҳеч қандай чеклаб қўйилгани йўқ.

Шаҳарда ободонлаштириш ишлари кенг миқёсда олиб борилганлиги сабабли бош режага ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан қурилиш ишлари вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан келишилган ҳолда бошланди. Туман ҳокимининг қарори билан жамиятга, савдо дўконлари қурилиши учун ажратилган ер майдони эвазига шаҳардан бошқа бўш ётган жойлардан ер майдони ажратиш тўғрисида таклиф билдирилди. Унга жамият аъзолари томонидан розилик билдирилиб, ҳокимликдан бош бекатдан автотураргоҳ сифатида фойдаланишга рухсат бериш ва уни қонуний расмийлаштириш сўралди.

Сўровга кўра белгиланган тадбирлар ижроси вилоят ҳокимлиги томонидан назоратга олинди.»

ШОЛИНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикасининг шоличиликка ихтисослаштирилган шимолий ҳудудлари хўжаликларида тармоқни ривожлантиришга ва шолининг янги навларини яратишга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон филиали олимлари бу борада олиб бораётган илмий-амалий ишлари айниқса, диққатга сазовор.

Сўз — Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали директори ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Бегжон ҚИДИРБОЕВГА:

— Филиалимиз жамоаси Оролбўйи ҳудудининг ноқулай об-ҳавосига чидамли, шўр тупроқда ҳам ўсиб ривожланишга мос янги шоли навларини яратиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш устида изчил кузатишлар ҳамда амалий ишлар ижросига киришганлар. Ҳозир филиалимизнинг селекциячи олимлари томонидан яратилган шоли навлари экилаётган майдонлар республикамизда 99 фоизни ташкил этмоқда. Масалан, 1986 йили ҳудудлаштирилган «Нукус-2» шоли навининг пишиш даври 110 кун. У ҳозир жами шоли майдонларининг 80 фоиздан кўпроғида экилаяпти. Агар уруғ етарли миқдорда (ва сифатли) бўлса, шоликорларимиз барча майдонларга мана шу навни экиш истагини билдиришаяпти.

Ўтган йили мустақиллигимизнинг 12 йиллиги шарафига олимларимиз янги яратилган «Санам» навли шолини ҳудудлаштирдилар. Бу нав 95-100 кунда пишиб етилади ва ҳар гектаридан камида 55-60 центнердан ҳосил олиш имкони бор. Яна бир жиҳати — бу навдан деҳқонларимиз бир йилда икки бор ҳосил олишлари ҳам мумкин. Ёш олим Омонкелди Қидирбоевнинг диққатини тортган «118-91-1» сонли шоли намунаси илгаридан ҳудудлаштирилган «Нукус-2» нави билан бирга синовдан ўтказилди. Натижа шуни кўрсатдики, янги намуна «Нукус-2» билан тенг вақтда пишиб етилди. Гектаридан 4,2 центнердан қўшимча ҳосил ҳам олинди. Шундай қилиб, «118-91-1» сонли шоли намунасига Нукус шаҳрининг 70 йиллиги шарафига «Нукус-70» номи берилди ва у Давлат нав синаш комиссиясига топширилди.

Тажриба хўжалигимиз 300 гектар ҳайдаладиган ер майдонига эга. Алмашлаб экиш асосида ҳар йили 190 гектар майдонга шоли, 50 гектар майдонга кузги буғдой, 60 гектар майдонга беда ва бошқа экинлар экяпмиз. Бу йил экиш учун республика шоликор хўжаликларига 345 тонна юқори сифатли суперэлита ва элита уруғлари сотилди. «Қорақалпоқдон» маҳсулотлари корхонаси билан 40 тонна кузги буғдой, 210 тонна шоли элита уруғи етиштириб бериш юзасидан шартнома имзоладик.

Шунингдек, биз яратган шоли навлари ҳозир Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам кузги буғдойдан кейинги такрорий экин сифатида кенг майдонларга экилмоқда. Қўшни Туркманистон Республикасида «Нукус-2» ва «Гулзор» шоли навлари уруғларига талаб катта. Йил охиригача насиб этса камида 400 тонна сараланган уруғ тайёрлашни режа қилганмиз.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Теннис

ҲАМЮРТИМИЗ — ҒОЛИБ!



Юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли ҳар йили кўплаб иқтидорли спортчилар кашф этилмоқда. Бу йил профессионал спортчилар қаторига мухлису мутахассислар томонидан анча истеъдодли теннисчи деб эътироф этилаётган Важа Узоқов ҳам қўшилди. 15 ёшли бу спортчи АҚШ теннис уюшмаси — USTA Internetional Winter турнирида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

16 ёшгача бўлган теннисчилар ўртасида ташкил этилган ушбу нуфузли турнирда В.Узоқов яккалик баҳсларида чорак финалгача етиб келди. Унинг жуфтлик баҳсларидаги иштироки бундан да омадли бўлди. Россиялик Георгий Моргоев билан ҳамкорликда кортга чиққан ҳамюртимиз финалгача бешта жуфтликни доғда қолдирди. Финалда мазкур жуфтлик мезбонлар устидан 2:6, 6:4, 7:5 ҳисобида зафар қучиб, турнирнинг бош совринини қўлга киритди.

— Юртимизда спортни, жумладан, теннисни оммавийлаштиришга берилаётган катта эътибор туфайли биз, ёшлар йирик халқаро турнирларда қатнашиш имконига эга бўлдик, — деди В.Узоқов ЎзА мухбирига. — Янги йилнинг 10 январидан Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар ва Баҳрайнда ташкил этиладиган халқаро турнирларда омадимни синаб кўрмоқчиман.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

✧✧✧

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

ОҒУ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Қонунга хилоф равишда мамлакатимизга олиб кирилган гиёҳвандлик моддаларининг навбатдаги туркуми йўқ қилинди. Ҳуқуқ-тартибот органлари, жумладан, Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари уни гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига қарши кураш тадбирлари давомида мусодара қилган эди.

Сир эмас, бугунги кунда хавфсизликка таҳдид солиш борасида терроризм билан ёнма-ён турувчи гиёҳвандликка қарши кураш ҳамон инсоният олдидаги энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Наркобизнесга қатъий чек қўйиш тарафдори бўлган Ўзбекистон бу борада жаҳон ҳамжамияти олдидаги мажбуриятларини бажаришга жиддий аҳамият бериб, барча зарур чораларни кўрмоқда. Мамлакатимизда БМТнинг 1961, 1971 ва 1988 йилларда эълон қилинган Конвенцияларига ҳамоҳанг равишда «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Юртимизнинг бу муҳим ишга қўшаётган салмоқли ҳиссаси халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Сўнгги йилларда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига қарши кураш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида «оқ ажал» билан боғлиқ 4 минг 574 жиноят фош этилди. Унинг 43 фоизини гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний савдоси билан боғлиқ жиноятлар ташкил этувчи бу жараёнда 447,5 килограмм наркотик модда далилий ашё сифатида мусодара қилинди. Ўтган давр мобайнида наркотик моддалар контрабандаси билан шуғулланувчи қатор минтақавий наркогуруҳларнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди.

Айтиш жоизки, 1994 йилдан буён мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ушлаб қолинган 36 тоннага яқин гиёҳвандлик моддаси ёқиб юборилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида 26 декабрь куни Идораларо комиссия аъзолари томонидан 217 килограмм гиёҳвандлик ва психотроп модда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари гувоҳлигида ёқиб юборилди.

Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири

«ЎЗДЭУАВТО» МАШИНАЛАРИ УЧУН

ФАРҒОНА (ЎзА мухбири Р.КАМОЛОВ/. Қўқондаги «Электромаш» акциядорлик жамияти «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Тико», «Дамас», «Нексия» автомобиллари учун бампер ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу ерда тайёрланаётган эҳтиёт қисмлар пишиқлиги, халқаро талабларга жавоб бериши, таннархининг арзонлиги билан автомобилсозларга маъқул тушмоқда.

Айни кунда корхонада автомобилларнинг 18 турдаги бутловчи эҳтиёт қисмлари тайёрланяпти. Йил давомида «ЎзДЭУавто»га уч юз миллион сўмдан ортиқ эҳтиёт қисм етказиб берилди.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

BUSINESS BANK БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

«БУ БИР УЛКАН ДАРАХТДИР, ҚИЁСИ ЙЎҚ ДУНЁДА»

«Ўзбекистоннинг келажаги тўғрисида ўйлаганимизда, уни Фанлар академиясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Академия эса миллат фахри, мамлакат обрў-эътиборининг рамзига айланиши керак».

Ислом КАРИМОВ

Дунёда бири-биридан машҳур, бири-биридан улуғ академиялар кўп. Шубҳасизки, бундай академияларнинг номи ва шон-шуҳрати энг аввало, уларнинг дунё илм-фани равнақига қўшган улкан ҳиссасию олимларининг тадқиқотчиликда эришган оламшумул ютуқлари билан ўлчанади. Айнан ана шундай илм-фан марказларига бутун дунё ҳавас қилади. Улардан ўрганишга ҳаракат қилади. Аммо, дунёда шундай илм маскани борки, очиғи, унинг тарихий илдизлари чуқурлиги ва бақувватлиги билан баҳслаша оладиган академияни топиш амримаҳол. Форобий, Хоразмий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Замахшарий, Марғиноний, Улуғбек сингари буюк Ўзбекистонимиз илмий фаолиятларидан баҳра олган ва пойдевори бениҳоя мустаҳкам бўлган бу қутлуғ даргоҳ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси деб аталади.

Мамлакатимиз фанининг юраги ҳисобланган бу муаззам муассаса — халқимизнинг юксак илмий-ижодий тафаккури, буюк аждодларимизнинг ақл-заковати, она заминимизда қадимдан мавжуд бўлган Маъмун академияси, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси каби илм-фан марказларида яратилган бой илмий мерос ва маданий анъаналарнинг мантиқий ҳосиласи ҳисобланади. Бу илм марказига миллий тариҳимизнинг табиий маҳсули сифатида баҳо берсак, унинг дунёда юксак илмий салоҳияти борлиги яққол кўринади.

Агар, Хоразмийнинг алгебра отаси, Фарғонийнинг буюк астроном, Форобийнинг Шарқ Аристотели, ибн Синонинг файласуф табиб, Берунийнинг қомусий олим сифатида жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшганликларини, дунёвий фанларнинг вужудга келишига асос бўлган кўпдан-кўп нодир асарларини эслайдиган бўлсак, бу ҳақиқат янада ойдинлашади. Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев, Хадича Сулаймонова, Обид Содиқов, Теша Зоҳидов, Убай Орипов, Содиқ Азимов, Иброҳим Мўминов, Восит Воҳидов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов сингари кўплаб олимларимизнинг шу муқаддас заминда камол топиб, фаннинг турли соҳаларида тер тўкиб, жаҳоннинг манаман деган алломалари томонидан тан олинганликлари академиямизнинг тан олинганлигидир. Бугун ўзларининг бутун билим, тажриба, куч ва ғайратларини мамлакатимиз илм-фани ривожига бағишлаб, келажаги буюк Ўзбекистонимиз тараққиёти йўлида камарбаста бўлаётган Беҳзод Йўлдошев, Мурод Шарифхўжав, Саидаҳрор Ғуломов, Сайёра Рашидова, Ўткир Расулов каби ўнлаб академик олимларимиз билан халқимиз ҳақли равишда фахрланади. Бугун бу машҳур олимларимизнинг ҳам ўз мактаблари ва ўнлаб иқтидорли шогирдлари борлиги фан илдизлари тобора чуқурлашиб бораётганлигига ёрқин мисолдир.

Ўтган ўн икки йил Фанлар академияси учун тинимсиз изланиш, янгиликка интилиш, замонавий технологиялар яратиш даври бўлганди. Илмий-тадқиқот ишларининг сифат ва самарадорлиги бош масала қилиб қўйилганлиги, ривожланган мамлакатлар олимлари ҳамда йирик илмий-техник марказлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари яратилганлиги, иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларда ўқитишга алоҳида эътибор берилаётганлиги академиянинг нуфузини, илмий салоҳияти-ю, обрўсини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Эндиликда унинг таркибида 43 илмий-тадқиқот муассаси, 3 минтақавий бўлим (Қорақалпоғистон ва Самарқанд бўлимлари, Хоразм Маъмун академияси), 3 илмий марказ (Бухоро, Андижон, Наманган ва Фарғона) ҳамда 4 музей фаолият кўрсатмоқда. Уларда ишлаётган икки мингдан ортиқ илмий ходимнинг мингга яқинини фан номзодлари, тўрт юз нафарини фан докторлари ташкил этади. Академиянинг 129 ҳақиқий аъзосидан 52 нафари илмий тадқиқот институтларида ишламоқда. Унинг энг ноёб иншоотлари сирасига кирадиган Майданак обсерваторияси, ўн мегаваттли ядровий тадқиқот реактори, циклотронлар, қудратли лазер қурилмалари, катта Қуёш сандони, кимёвий ва биологик мажмуалар, Ботаника боғи ва гербарий, «Ўзсайинснет» ахборот тармоғи сингари кўплаб илмий марказлари олимларнинг табиат қонуниятларини тадқиқ этишларида беқиёс аҳамият касб этмоқда. Шу билан бир қаторда академия олимлари халқимизнинг маънавиятини миллий истиқлол ғоялари руҳида бойитишда ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу қадимшуносларнинг ҳайратли топилмалари-ю, буюк кашфиётларида, тарихчиларнинг асосли манбаларга таянган ҳолда давлатчилигимиз тарихий илдизлари кўп минг йилликларга бориб тақалиши ҳақидаги тадқиқотларида ўз ифодасини топмоқда.

Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда унинг улкан дарахти — фан янада барқ уриб яшнаб, Ўзбекистон номини юксакларга кўтараверади. Биз қаламкашлар эса академиямизни —

Бу бир улкан дарахтдир,
қиёси йўқ дунёда,
Илдизлари бақувват
зиёси тўқ дунёда.
Фахр этинг, Хоразмий,
Беруний, Синолардек,
Бирон халқнинг дўстларим,
дунёси йўқ дунёда.

дея ғурур ва ифтихор ила улуғлаб, тараннум этаверамиз.

Нуриддин ОЧИЛОВ

Тошкентда Япония ҳукуматининг навбатдаги кичик миқёсдаги грант шартномасини имзолаш маросими бўлиб ўтди. 176,4 минг доллар миқдоридаги маблағ Андижон вилоятидаги учта мактабни замонавий ускуналар билан жиҳозлашга ажратилди.

Айтиш керакки, Япония ҳукуматининг бегараз кўмак йўналишидаги кичик миқёсдаги грантлари 1995 йилдан берила бошланди. Шундан кейин тўрт йил давомида бу кўмак 4-6 та объект, маблағ эса 200-400 минг

ЯНА БИР ГРАНТ ШАРТНОМАСИ

АҚШ доллари билан чегаралангган эди. 2000 йилдан бошлаб объектлар сони 26 тага, маблағлар миқдори эса бир миллион долларга ўсди.

Жорий йилда қарийиб бир миллион долларлик 15 та лойиҳа амалга оширилди.

Грант-шартномаларнинг тармоқ йўналишларига келганда шуни айтиш керакки, дастур бошланган пайтда соғлиқни сақлашга алоҳида эътибор қаратилди. 2000 йилдан бошлаб аёллар касб-ҳунар таълими ва уларга янги иш ўринлари барпо этиш бўйича лойиҳалар молиялаштира бошланди.

2001-2002 йилларда молиявий кўмакнинг асосий қисми мактабларни техник жиҳозлашга қаратилди. Шунингдек, кейинги икки йилда Фарғона вилоятидаги Сойбўйи қишлоғи газ таъминоти тизимини яхшилаш ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўл қурилиши бошқармасини техник жиҳозлашга ҳам маблағлар ажратилди.

«Туркистон-пресс»

Иқтисод ва ислоҳот

АМУДАРЁ «ЮЛДУЗ»И

ДЕБ ТАЪРИФЛАНАЁТГАН ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДОВРУҒИДА МАНҒИТ ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИНИНГ ҲИССАСИ КАТТА

Заводда фан-техника ютуқлари, илғор технология ва тажрибаларни оммалаштиришга, маҳсулот сифати ҳамда тежамкорликка алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йили бу ерда ишлаб чиқарилган 10884 тонна толанинг 9567 тоннаси ёки 87,9 фоизи хорижий давлатлар — Швейцария, Австрия, Бельгия, Италия, Британия, АҚШ ва Россия мамлакатларига, 1317 тоннаси эса (12,1 фоизи) республикамиз тўқимачилик корхоналарига юборилди.

Молиявий натижалар: соф фойда — 46 миллион 104 минг сўм. Дивидент — ҳар бир акцияга 1514 сўмдан тўғри келди. Ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 27781 сўмдан бўлди.

2003 йил ҳам корхонага қутлуғ келди. Йилнинг биринчи ярмида 1585210 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бошқача айтганда, 2980 тонна тола, 4821 тонна чигит, 166 тонна момиқ тайёрланди. Истеъмолчилар пахта тозаловчилардан 1020137 минг сўмлик маҳсулотлар олишди. 2002 йилда қабул қилинган пахта хомашёси корхонада жорий йилнинг март ойига қадар тўла қайта ишлаб бўлинди. Тола чиқариш кўрсаткичи 32,5 ўрнига 32,61 фоизга кўтарилди.

— Соф фойда ҳисобидан ишлаб чиқариш биноларини таъмирлаш, маҳсулотлар сақланадиган омборлар қуриш, корхонани замонавий безаш бўйича ҳам бир қанча ишларни амалга оширдик, — деб ҳикоя қилади **ҳиссадорлик жамияти раиси Комил Раҳимов.** — Пахта толаси ва чигит сақланадиган бостирмалар, омборлар ва цехларимиз узлуксиз ишлаб турибди. Қўшимча даромад топиш ва янги ишчи ўринлари вужудга келтириш борасида олиб бораётган изланишларимиз ҳам катта самара келтирмоқда. Яқинда ташкил топган кичик цехимизда 12-14 киши учун янги иш ўринлари яратилди. Бу ишларда Йўлдош Давлетов, Мурод Алланиёзов, Муборак Бозорбоева, Давлетбой Тожибоев, Зулайҳо Матёқубова, Содиқ Жуманиёзов каби ўнлаб ишчи-хизматчи ва мутахассисларимизнинг ҳиссаси айниқса катта... Уларнинг кучи билан бугунгача 58437 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, кўп болали, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга, уруш ҳамда меҳнат фахрийларига Хотира ва Қадрлаш куни олдидан бир миллион 295 минг сўм ёрдам пули бердик. Зарурат туғилганда жамият аъзоларига ҳар йили санаторийлар ва дам олиш уйларига йўлланмалар ажратаяпмиз... Корхонамизда чойхона, даволаш ва профилактика бўлимлари, ҳаммом, сартарошхона, гўзаллик салони — ҳаммаси бор. Шу йилнинг ўзида ишчи-хизматчиларга дам олишлари ва саломатликларини тиклаш учун, 180 минг сўмлик йўлланмалар бердик. 586 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳнат фахрийларига 183 минг сўмлик, болаларнинг дам олиш марказларига 285 минг сўмлик ёрдам пули берилди. Қариялар уйига 377299 сўмлик хўжалик жиҳозлари совға қилинди.

Ҳа, «Юлдуз» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси бугунги кунда нафақат Амударё туманида, балки Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган ўз маҳсулотлари билан буюртмачиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам дидини қозонмоқда. Жамиятга қарашли «Қипчоқ», «Хитой», «Қиличбой» ва завод қошидаги қабул пунктлари янги техникалар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Мақсад битта — деҳқон пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни сифатли қайта ишлаб, буюртмачилар ишончини оқлаш.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда: жамият раиси (чапда) Камол Раҳимов, тола товаршуноси Бозорбой Собиров, техника назорати бўлими ходими Ражаб Тўраев.

Бердиниёз АЛЛАШЕВ олган сурат.

Солиқ ва ислоҳот

ТАШВИҚОТ ЯХШИ БЎЛСА

ҲЕЧ КИМ СОЛИҚДАН БЎЙИН ТОВЛАМАСДИ, — ДЕЙДИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ БАРНО ТЕШАЕВ

— Ривожланишнинг бозор муносабатларига ўтилиши — янгича жараёнларни иқтисодий-ижтимоий омиллар, жумладан, солиқлар орқали бошқариш биринчи даражали вазифалардан бири қилиб қўйилишининг сабабларини нимада деб биласиз?

— Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, иқтисодиётни кредит ва пул воситалари билан биргаликда солиқлар орқали бошқариш — самарали омил. Яъни, солиқлар — тараққий этган жамият даромадларининг асосий шакли.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, давлат солиқ хизматининг ташкил этилиши эртанги кунимиз учун қўйилган тамал тоши бўлди. Солиқ йиғимларининг фаровонликка, ижтимоий ҳимояга йўналтирилганлиги — биласиз, келажак тақдирини белгилайди. Шу боис, солиқ хизматининг асосий вазифаси — турли тўлов ва йиғимларни шунчаки фуқаролардан ундириш эмас, балки уларга солиқ тўловларини онгли равишда тўлаб бориш ҳиссини сингдириш деб ўйлайман.

Мен АҚШда бўлиб, солиқ тизими билан танишганимда, у ерда фуқароларнинг солиқ қонунларига бўлган ҳурмат-эътиборини, ишончини кўрдим. Ҳар бир фуқаро солиқ тўловлари нима учун, қайси мақсадда йиғилади, улар кимга ва нимага хизмат қилади — яхши билади. Агар биз ҳам солиқ қонунчилигига киритилган ҳар бир янгиликларни фуқароларга вақтида бутун моҳияти билан етказолсак эди, ўйлайманки, ҳеч ким солиқдан бўйин товламасди. Тўғри, бу борада махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам чиқишлар қилинмоқда. Телевидение ва радиода очиқ-ошкора мулоқотлар уюштирилмоқда. Бироқ, ҳали-ҳануз жойларда кутилган натижаларга эришилмаётгани менимча ҳеч кимга сир эмас.

Шу ўринда вилоятимиз мисолида тўпланган тажрибалар ҳақида икки оғиз гапирсам: жорий йил давомида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича Молия вазирлиги томонидан белгиланган режа кўрсаткичи ҳозироқ 102,7 фоизга бажарилди. Яъни, ўтган йилнинг шу давридагидан 1,6 баробар кўп. Бу солиқ йиғувчилар ва солиқ тўловчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самараси, албатта. Қолаверса, бу борада бизга республика Ахборот-маслаҳат Марказининг вилоят бўлинмаси яқиндан кўмак бераяпти.

— Солиқ тўловчиларга қандай имкониятлар, қулайликлар яратилган? Уларнинг солиқ хизматидан кўнгли тўқми?

— Саволингизга мунтазам ўтказилиб келинаётган тадбирларимиз самарасидан келиб чиққан ҳолда жавоб бераман: участка давлат солиқ инспекторларининг ҳаммаси ўз фаолиятларида доимий фойдаланишлари учун маҳаллий солиқларни ҳисоблаш ва уларни бюджетга ундиришда Давлат солиқ қўмитаси буйруқлари, ишлаб чиқилган Низомлар, йўриқномалар, услубий қўлланмалар мажмуаси билан таъминланган. «Участка солиқ инспектори учун қўлланма» тарзида жамланган бу мажмуа Ахборот-маслаҳат Маркази билан ҳамкорликда тайёрланди.

Аҳоли ўртасида солиқ хизмати маданиятини ошириш мақсадида ҳар йили турли танловлар ўтказилишини анъанага айлантирдик. Шу йилнинг ўзида маҳаллалар ўртасида «Билимдон маҳалла» ва «Йилнинг энг яхши солиқ тўловчиси», фуқаролар ўртасида эса «Мен солиқлар тўғрисида нималарни биламан?» сингари танловлар ўтказилди. Уч босқичли бундай танловларнинг ғолиблари пул мукофотлари билан рағбатлантирилди. Солиқ тўловчилар томонидан тушган 526 та мурожаатнинг 385 тасига оғзаки ва телефон орқали, қолганларига меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ёзма жавоблар қайтарилди. Қонунчиликка оид 2500 та қўлланма солиқ тўловчиларга етказиб берилди.

Фуқаролардан тушаётган саволларга жавоблар вилоят сода мунозара ҳам ўтказдик. Ўрганилган барча янгиликлар ва илғор тажрибалар бошқа ДСИларга ҳам етказилди, уларни амалиётда қўллаш юзасидан тавсиялар берилди.

— Тизимда хизмат қилаётган кадрлар малакаси ва уларнинг салоҳияти даражаси ҳақида ҳам...

— Тўғри савол. Ҳар бир ишнинг самараси кадрлар малакаси ва салоҳиятига боғлиқ. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартдаги 87- ва шу йилнинг 5 майидаги 180-қарорлари билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ органларида хизматни ўташ ҳақида»ги Низомга асосланган ҳолда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишларимиз яхши натижалар бераяпти. Ҳозир бизда кадрларнинг ярмидан кўпи 40 ёшгача бўлган ходимлар. Уларнинг 62 фоизи олий, 38 фоизи эса ўрта махсус маълумотга эга. Банк ва солиқ академиясида 4 нафар ходимимиз ўқимоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида иккинчи мутахассислик олиш учун 39 нафар ходим ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олмоқда. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўлида 128 нафар ходим жаҳон иқтисодиёти ва бошқарув институти ҳамда кўмитамиз ҳузуридаги Солиқ Академиясига юборилди. Жорий йилда 56 нафар янги салоҳиятли ёш, ишга қабул қилинди. Бунда асосан Кадрлар билан ишлаш комиссияси уларнинг касбий малакаси, иқтисодий-сиёсий ҳамда маънавий билим даражаси каби мезонларга алоҳида эътибор берди.

Ишнинг самарали бўлиши ходимларга яратилган қулай иш жараёнига ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, кейинги пайтларда солиқ ташкилотларимизнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтирдик. Хатирчи, Нурота, Навбаҳор, Қизилтепа, Конимех туманлари ва Зарафшон, Навоий шаҳарлари солиқ инспекциялари учун янги замонавий бинолар қуриб берилди. Қатор туман ва шаҳар солиқ идоралари бинолари қайта таъмирланди.

...Биласиз, 2004 йилдан бошлаб солиқ декларацияси қабул қилишга ўтилади. Бунга ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўраяпмиз. Чунки, бу жараён солиқчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280- ва 2003 йил 2 майдаги 203-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида бошқарма томонидан ишлаб чиқилган тадбирий режага кўра участка Давлат солиқ инспекторлари ва инкассацияга чиқувчи жами 115 нафар солиқ ходими фискал хотирали назорат касса машиналарини ишлатиш бўйича малака оширдилар.

— Назаримда суҳбатимиз фақат мақтовдек бўлиб қолаяпти... Камчиликлар, қоида бузилиш ҳоллари ҳам бордир...

— Бор, албатта. Айрим солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қонунчилиги талабларини бузиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Жорий йил бошидан буён назорат тартибида ўтказилган текширишларда 932 та қоидабузарлик ҳолатлари аниқланди. 229 та юридик ва 703 нафар жисмоний шахсга (тегишли савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига) нисбатан 56008,3 минг сўм молиявий жарима қўлланилди. Ноқонуний сотилаётган 173,0 минг сўмлик аудио-видео кассеталари ва 4106,8 минг сўмлик ун, ёғ, шакар сингари маҳсулотлар савдо пештахталаридан олиб ташланди.

Нафақахўрларга ва бюджет ташкилотларига нафақа ҳамда маош тарқатилиши жараёнларидаги баъзи муаммолар ечими борасида ҳам амалий тадбирлар кўраяпмиз. Жумладан, банк хазиналарига нақд пул маблағлари тушумини ошириш йўлида юридик ва жисмоний шахслар томонидан 123206,6 минг сўм миқдоридаги нақд пул тушуми ноқонуний сарф қилингани ва тушумлар банк муассасасига вақтида топширилмаганлиги аниқланиб, белгиланган тартибда тегишли молиявий жазолар қўлланилди. Нақд пул тушумига эга объектларнинг 722 тасида тушумнинг банк хазинасига вақтида топширилишини таъминлаш мақсадида хронометраждар ўтказдик. Натижада тушум 87525,9 минг сўмлик даражага ошди.

...Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бугун ўзининг одилона сиёсати билан дунёга танилаётган ёш мустақил мамлакатимиз иқтисодиётини тобора ривожлантириш учун солиқ тизимида ҳали кўп ишлар қилиниши керак, албатта. Чунки, боя айтганимдек, солиқ сиёсати ва солиқ иқтисодиётининг мазмун-моҳияти — фақат солиқ йиғиш эмас, балки солиқ тўловчиларнинг бу соҳадаги онгини шакллантириш ва уларга кенг имкониятлар очиб бериш деб биламан. Гапнинг очиғи, бу — Президентимиз Ислом Каримовнинг сўзи. Бунинг учун солиқ тўловчилари моҳиятини аҳолига кенгроқ, очиқроқ тушунтириб берадиган тарғибот-ташвиқот ишларимизни янада кучайтириб, ўтказилаётган тадбирлар натижадорлигини таъминлашга эришиш йўлларини қидираверишимиз керак. Ишонаманки, шунда ҳеч ким солиқ тўловидан бўйин товламайди.

Суҳбатдош:
Абдумутал НОРБОЕВ,
журналист

«АЙЛИН» ШИРИНЛИКЛАРИ ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИНГИЗГА

Солиҳ ЗОҲИР олган суратлар

Бугунги кунда республикамизда 300 дан ортиқ ўзбек-турк корхоналари ишлаб турибди. Уларнинг 150 таси турк фирмалари, 200 дан ортиғи ўзбек-турк қўшма корхоналари бўлиб, шундан 24 таси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Улардан бири Оҳангарондаги «Айлин» шўъба корхонасидир. Корхонада болажонларимизга турли хил шоколадлар ва 30 дан ортиқ печеньелар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, махсус ташкил этилган цехда ўн хилдан ортиқ атирсовунлар ҳам тайёрланмоқда.

Мажид УЗДУРАЛ,
корхона директори:

— Нафақат шоколад, печенье ва атир совунлар, бундан ташқари 50 турга яқин қандолат маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқараяпмиз. Фаолиятимизни янада кенгайтириш учун «Adora International» шўъба корхонаси ташкил қилдик...

«Айлин» шўъба корхонаси 1996 йилда «Артон LTD ШТИ» компанияси билан ҳамкорликда вужудга келган бўлиб, компания ҳозиргача мамлакатимизга 1 млн. 970 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритди. Корхонада шу кунларда янги йил дастурхони учун сутли батончиклар, 30 турдан ортиқ печеньелар ишлаб чиқарилмоқда.

Шуҳратжон ОХУНЖОНОВ

Суратларда: корхонанинг илғор пазандаси Ҳилола Маматова; корхона директори Мажид Уздурал (ўртада).

Маънавият

ВАТАН ТУЙҒУСИ

Яқинда Оҳангаронда Шунқор ака деган дангалчи одам билан танишдим. У Ҳиндистонга борган экан. Бу сеҳрли диёр ҳақида ўйлаганимизда, кўз ўнгингизда дарҳол Тожмаҳал бор маҳобати билан гавдаланади. Чунки унда аждодларимизнинг қўл излари, пок руҳлари бор. Шунинг учун ҳам у қалбимизга яқин. Шунқор ака ҳам уни маҳлиё бўлиб томоша қилибди: ўргилиб кўрибди, айланиб кўрибди, тонг чоғи томоша қилибди, кечқурун чор-атрофини айланибди, лекин тўймабди, кўрса, яна кўргиси келаверибди. Бир мўғул сайёҳ ҳам обида атрофини айланиб юрган экан. Шунқор акани япон ёки корейс деб ўйлабдими, бунисини худо билади-ю, лекин унинг ёнига келиб мақтанибди. «Кўриб қўйинг, бизнинг аждодлар қандай гўзал кошона яратганлар!» Шунқор ака чапани одам эмасми, мўғул билан мунозарага киришиб кетибди. Тожмаҳал пештоқидаги ёзувларни ўқиб, бу обидани бунёд этган самарқандлик, бухоролик усталар бу ерда Амир Темурнинг авлоди бўлмиш Шоҳжаҳон ётибди, буни ўша аждодим қурган, дебди. Хуллас, мўғулга гапини ўтказибди, тавбасига таянтирибди.

Ватан туйғуси!

Бу воқеани эшитиб, атрофимдаги олам янада чароғон ёришди, қушларнинг чуғурлаши, сувларнинг шилдираши, боғ-роғларнинг тус-таровати ўзгача ҳолат, ўзгача кайфият уйғотди. Ўзимга ўзим савол бераман: Бу одамнинг қалбидаги ҳиссиёт нима? Ватан туйғуси эмасми? Унга илҳом, куч ато этган шу туйғу эмасми? Кейин унинг дилини билиш учун хўжалигига йўқлаб бордик. Тили билан дили бирмикин, дедим. Аввало қариялар билан у ҳақда суҳбатлашдик. Жума намозидан чиқаётган бир отахон: «Шунқорми?.. У ўғил бола!» деди. «Қари билганни пари билмас». Гапни қаранг: бир сўз билан баҳо берди-қўйди отахон. Лекин биз бу билан ҳам қониқмадик. Яна эл ичига кирдик. Шунқор Умрзоқов десак, юзлар ёришди. «У киши хўжалигимиз раҳбари», деди бир йигит мулойим жилмайиб. — Амир Темур тарихини яхши билади. Унга шу тўғрида гапиринглар, тўхтатолмайсизлар.» У билан ўзимизни қизиқтирган мавзуда анча мунозара қилдик, хўжалик ҳақида ҳам у-буларни билиб олдик.

«Оҳангарон» ширкат хўжалигида 15 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 90 фоизи ёшлар. Хўжаликнинг 17 минг гектар ери бор. Тадбиркорликка кенг йўл берилган. 17 фермер фаолият кўрсатмоқда. 14 кичик корхона ишлаб турибди. Қишлоққа саноат кириб борган. Маҳсулотни қайта ишлаш цехи, 6 та дон, 3 та шоли янчадиган, яна ун чиқарадиган 7 та тегирмон бор. 6 та спорт иншооти ёшлар ихтиёрида. Шунқор ака ўз маблағи ҳисобидан соғломлаштириш марказини ҳам очибди. Замонавий, шаҳардагидан қолишмайди.

— Биздан келажак авлодга, Ватанга нима қолади?.. Шу қилган ишларимиз қолади, — дейди у.

Ватан туйғуси! Инсонларни яшашга, яратишга, эзгу ишларга ундовчи туйғу...

Яна мен Ватан ҳақида ёзмоқчи бўлиб Оқтошга бордим. Энди мен дедимки, бир отахон билан гаплашай. Бахтимга, менга 76 ёшли Асадуллахўжа ҳожи бобо рўпара бўлди. Ҳовлисини кўрдим. Ҳовлисида анвойи гуллар барқ уриб турибди. Гўзалликдан дилим яйради. Беихтиёр бобони саволга тутдим.

— Бахтли қарилик топганимга шукр, болаларим ўзим ўйлагандек одобли чиқишди, дединг из! Кўз тегмасин. Биз ҳам сиздек бахтли бува бўлишни истаймиз. Қани, нима маслаҳат берасиз?

Бобо жилмайдилар. Жилмайишлари бир чиройлики, мен буни тасвирлаб беролмайман, фақат ҳаммамизга ҳам қариликда шундай жилмайиш насиб этсин.

— Бунинг учун одам ўзини ўтга-чўққа уриши шарт эмас, — деди бобо. — Гап ҳалоллик, тўғриликда. Менинг икки тенгдошим бор эди. Улар пул топиш учун ҳеч нарсадан қайтмасди. Шу иккиси мол-дунё топти-ю, аммо роҳатини кўрмай барвақт оламдан ўтиб кетди. Узоқ умр кўриш учун одам ҳалол яшаши, одамларга, ўз юртига меҳр қўйиши керак, деган хулосага келганман.

Энди тарихга бир нигоҳ ташлайлик. Тарих — ойна, дейдилар. Бу ойна бизга кўп нарсалардан сабоқ бериши мумкин.

Қадим замонда Мате деган ҳукмдор ўтган. У ўз халқини урушдан сақлаш учун кўп чораларни кўрган.

Бир куни ёғий ҳукмдори уруш очиш учун баҳона излаб, энг учқур отини сўраганда, ҳеч иккиланмай уни берган, ваҳоланки, бу от бир соатда минг фарсаҳ йўлни боса олган. Шу билан қаноатланмаган душман унинг энг севган ҳурилиқо канизагига кўз тиккан. Бутун беклар қурултойда уруш эълон қилиш тарафдорлари бўлиб турсалар-да, Мате: «Мен Ватанимни ўз ишқим ўғрисига хор этмайман!» дея севгилисини бериб юборган.

Шундан кейин очкўз ҳукмдор яна баҳона излаб, ундан унумсиз, ҳеч бир гиёҳ ўсмайдиган ерни сўраган. Қурултой бу фойдасиз ернинг душманга берилиши бирор зарар келтирмаслигини ёқласа-да, Мате: «Ватан бизнинг мулкимиз эмас, мозорларда ётган оталаримизнинг ва қиёматга қадар туғилажак авлодларимизнинг бу тупроқ устида ҳақлари бордир. Ватандан озгина бўлса ҳам ер бермоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бундан бу ёғига жанг қилурмиз!» деб душман томон отланган.

Ватан туйғуси!

Матенинг номини тарихда мақтовлар қояларида зарҳал билан муҳрлаган туйғу. Уни эндиги авлодлар, улар қатори бугун биз ҳам миннатдор йўсинда тилга олмоқдамиз.

Энди Бухородаги воқеани ҳам айтай.

1920 йил. Тарихимизнинг аянчли йиллари. Босқинчиларга бош бўлиб келган Михаил Фрунзе Бухоронинг кулини кўкка совурмоқни кўзлаб, қирғинбарот хунрезликни давом эттираётган, асрлар давомида одамларни ҳайратга солиб келган ноёб обидалар ер билан яксон этилаётган, бегуноҳ одамларнинг қонлари тўкилаётган кунлар эди. Бу ваҳшийликни кўрган тақводорлар нега душман ғолибу, азиз авлиёлар руҳлари бизга мададкор бўлмаётир, деган савол устида бош қотиришади.

Қайси гуноҳларимиз учун юртимизга бу бало-қазо ёғилди, деган саволларга жавоб излашади.

Тарихда аждодларимизга бир эмас, бир неча марта улуғлик, улуғ давлатлар берилди. Лекин, давлат ичида меҳр-оқибат кўтарилиши, лоқайдлик, ман-манлик домига тушиб қолиш, бузғунчиликлар авж олишидан кўкнинг қаҳри келмадими?.. Руҳий олам бор-ку.

Ватан туйғуси!

Энди бугун ҳақида икки оғиз фикр юритайлик. Орамизда шу юртни, шу азиз Ватан учун жонини ҳам аямайдиганлар оз эмас. Лекин мен улар ҳақида эмас, юрагимни тирнаган бошқа масала хусусида сўз юритмоқчиман. Олис туманлардан бирида ижодий сафарда бўлганимда, зиёли одамлар даврасида бўлишга тўғри келди. Уларнинг орасида юзидан нур ёғилиб турган киши диққатимни тортди. У бир чеккада сухбатга қулоқ бериб, вазмин жилмайиб ўтирарди. Нима бўлди-ю, шу одам ўтиришдан барвақт чиқиб кетди. У кетиши билан ортидан ғийбат бошланди. Ширакайф бир олифта: «Мен уни туппа-тузук одам десам...» Бир оғайнимиз фалон ишни битириб бер, шапкаси ҳам бор, деса, кабинетидан қувиб чиқариб юборибди... «У ўзи шунақа, нон емас» дея луқма ташлади яна бир йигит. Ўтирганлар ҳиринг-ҳиринг кулишди...

Ватан туйғуси!..

Эҳ, нега сен ҳар бир қалбга ёр эмассан?

Сен бор бўлсанг, қалб бут, имон бут, халқ ва Ватан бут!

Сен йўқ жойда...

Сен жасорат, мардлик гаровисан!.. Сен куч-қудратсан!..

Тўлқин ҲАЙИТ

Касбим — фахрим

«ИЛМУ АДАБ ҚУББАСИ» ЁШЛАРИ

ҚАДИМИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ҲУНАРЛАРНИ СЕВИБ ЎРГАНИШМОҚДА

Мансуржон билан Шаҳрисабздаги Беруний номли болалар оромгоҳида танишган эдим. У билан бу ерлик ёшлар ўрганаётган касб-ҳунар ҳақида анча суҳбатлашдик.

— Ҳозир бизда 372 бола ҳордиқ чиқараяпти, — деганди оромгоҳ раҳбари **Лутфулло КАРИМОВ**. — Ҳаммаси белгиланган дастур асосида — (қизиқишлардан келиб чиқиб) спорт, моҳир қўллар, ракетасозлар, бичиш-тикиш каби 16 та тўгаракда машғул. Компьютер билан ишлашни билимдон, ғайратли йигит Мансуржон Остонов ўргатаяпти.

— Саккизинчи синфгача Мирзо Бедил номли лицейда, уч йил технология колледжида ўқидим, — деди **Мансуржон**нинг ўзи. — Банк иқтисодчиси касбини эгалладим. Аммо компьютерларни бошқариш ва унинг дастурлари тизимига қизиқишим катта...

— Бугунги тараққиётнинг ўз талаблари бор, — деди шу куни биз учрашган яна бир киши — Мансуржоннинг отаси **Муҳиддин ОСТОНОВ**. — Коллежда битта менинг фарзандим эмас, кўплаб ёшлар замонавий касб эгалари бўлишяпти.

Мазкур ҳунар масканидан чиқиб, вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ёш мутахассис кадрлар тайёрлаш қай даражада эканлиги ва улар меҳнат бозори талабларига қандай мослашаётгани каби масалалар билан қизиқдик. «Шаҳри Кеш» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида коллежнинг 7 нафар битирувчиси меҳнат қилаётган экан.

Ҳасан РАЖАБОВ, ишлаб чиқариш устаси:

— Ўтган йили коллежнинг дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси бўлимини битириб, шу корхонага ишга келдим. Сиғими 18 минг тонна бўлган элеваторда доннинг сақланиши ва тегирмонга узатилиши жараёнларини бошқарамиз. Ўртача ойлик маошим 25-30 минг сўм. Касбимдан кўнглим тўқ.

Абдурасул ЖЎРАЕВ, қўшма корхонанинг ижрочи директори:

— Туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликдаги корхонамизга замонавий ускуналар ўрнатилган. Ишлаб чиқариш тўла компьютерлашди. Бир кеча-кундузда 150 тоннагача буғдойни қайта ишлаш қувватига эгамиз. Айни кунларда қўшни Афғонистон давлатига ун жўнатаяпмиз.

— Технология коллежида касб ўрганганлар бу ерда қандай ишлаяпти? — сўраймиз.

— Ўқув юрти билан ўзаро шартномамиз бор. Амалиётга келган ёшларга алоҳида машғулотлар хонаси жиҳозлаб бердик. Амалий иш билан улар шу жойда танишишади...

Кечагина коллежда таълим олган ёшларнинг бугун бу ерда мураккаб машина-ускуналарни эркин бошқаришаётганига ҳавас қилдик. Кейин оғизга тушган шу ҳунар масканига бордик. Коллежга ҳозир физика-математика фанлари номзоди Абдуқаҳҳор Ғаниев раҳбарлик қилаяпти. У илгари Бухоро озиқ-овқат технологияси институти декани эди. Шаҳрисабзда институтнинг мазкур факультетини очиш ва сўнгра уни коллежга айлантириш ташвишлари кўпроқ унинг зиммасига тушди. Ҳозир бу ерда касб йўналишига қараб 6 бўлим бор.

— Биз илгари банк иқтисодчилари ҳам тайёрлардик, — дейди **Абдуқаҳҳор ҒАНИЕВ**. — Аммо ҳудудда олий ихтисосли мутахассислар кўплиги туфайли йўналишни ўзгартирдик. Меҳнат бозорининг талабларидан келиб чиқиб, вилоят ҳудудларига керакли касб-ҳунарлар ривожига зўр бердик. Масалан, Китоб, Чироқчи, Яккабоғ, Қамаши туманларида кўп миқдорда пахта, дон, сабзавот, узум, мева етиштирилади. Шаҳрисабзда эса узум, сут, пахта ва пиллани қайта ишлайдиган катта қувватли корхоналар мавжуд. Ҳатто қимматбаҳо заргарлик буюмлари ишлаб чиқарадиган корхона ҳам шу ерда. Ўйлаб кўринг: вилоятда Японияда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар ўрнатилган ягона пиллакашлик корхонасига минглаб ишчилар керак... Шу туфайли «Кумуш» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси билан шартнома туздик. «Оқсарой — Тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон — Туркия — Япония қўшма корхонасининг истаги билан пахтага қайта ишлов берувчи бўлим очдик. Элеватор, ун-ёрма ва омухта ем ишлаб чиқариш технологияси бўлимида ўқиган кадрлар ишига эътибор қаратдик. Талабни ҳаётнинг ўзи қўймоқда-да...

Қадимда шаҳри Кешга бежизга «илму адаб қуббаси», дея таъриф беришмаган. Ҳунарпешаларга Амир Темур бобомиз ҳам раҳнамолик қилганлар. Шаҳарда чармгарлик, заргарлик, кулоллик маҳаллалари бўлган... Ҳозир ҳам ўша анъаналар давом этмоқда. Ҳалима опа Бобоқулова каштадўзлик, Асад Аллаев кулолчилик мактаблари ёшларига бошқош. «Ҳужум» бадиий буюмлар корхонаси ишлаб турибди. «Ҳунарманд» уюшмаси изчил ҳаракатда. Тасвирий-амалий санъат лицейи ўқитувчиси Тошпўлат Номозов шогирдлари тайёрлаётган миниатюра асарлари хорижлик сайёҳлар эътиборида.

Шу ўринда мулоҳаза туғилади: бир ёғоч ўймакор уста қўш табақали дарвозасини қарийб 1 миллион сўмга сотади. Қадимий гилам ва кашталарга ҳам буюртмалар тушмоқда. Тўқсон тўртинчи йилдан буён шаҳарга 25 мингдан ошиқ сайёҳлар келиб кетишди. Уларни илдизи асрлар қаърига қадалган миллий ҳунармандчилигимиз жуда-жуда қизиқтирмоқда. Ҳунарманд уюшмаси раҳбари Гулнора Одилованинг фикрича, эндиликда бундай ноёб ҳунарларни коллежларда ёшлар ўрганса, нур устига аъло нур бўларди.

ШАРҲ

Шаҳрисабз туман ҳокимининг ўринбосари Дилором ЭГАМОВА:

— Агар ҳозир туман аҳолиси 280 минг нафарга етган бўлса, 103 минг нафарга яқини 16 ёшгача бўлган ёшлар. Айни пайтда 8 коллежда, 6,5 минг нафарга яқин ёш 50 йўналишда касб ўрганаяпти. Мамлакатимизда туризм ривожини ҳисобга олиб, 12-касб-ҳунар коллежида иқтисод-туризм бўлими очдик. Ҳозир у ерда 28 ўқувчи сайёҳатга келганларга хизмат кўрсатиш кўникмасини олишаяпти. Миллий ҳунармандчилик борасида зардўзлик ва каштачиликка ҳам эътибор қаратдик. Янги иш ўринлари очиш ва бошқа масалаларнинг ечимини ҳаётнинг ўзи айтиб турибди. Хуллас, ҳар бир соҳада кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш йўлида катта саъй-ҳаракатлар бошладик.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎҚУВЧИ — ЗУККОЛАР ОЛИМПИАДАСИ СОВРИНДОРИ

Россия пойтахти Москва шаҳрида ўтказилган VIII анъанавий «Интеллект» йиллик олимпиадаси ўз ниҳоясига етди. Ломоносов номидаги ва рационал ўқув мактаблари томонидан Москва ҳукумати таълим департаменти билан ҳамкорликда ташкил қилинган бу танловда Россиянинг турли шаҳарлари ва қатор хорижий давлатлар мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Олимпиаданинг асл мақсади энг иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва ўз дунёқарашини кенгайтиришга интилаётганларни тақдирлашдан иборат. Олимпиада иштирокчилари қаторидан ўрин олиш учун аввало ижодий босқичдан муваффақиятли ўтиш — мактаб дастурига кирувчи исталган фанга алоқадор беш ёки ундан ортиқ заковатли масала тузиш талаб қилинади. Сўнгра ҳакамлар энг иқтидорлиларни танлаб олишади ва иккинчи босқичда иштирок этиш учун Москвадаги Ломоносов мактабига таклиф қилишади.

Бу йилги олимпиадада Ўзбекистон вакили — Самарқанд шаҳридаги 10-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилноза Маматқулова ҳам муносиб иштирок этди. Биринчи ижодий босқични муваффақиятли бажарган Дилноза ҳакамлар ҳайъати томонидан Москвага таклиф қилинди.

Халқаро олимпиада саволларининг мураккаблигига қарамай, Дилноза Маматқулова ўз иқтидорини намойиш этди ва ҳакамларнинг аъло баҳоларига сазовор бўлди. Жиддийлиги ва тиришқоқлигига мукофот тариқасида ўзбекистонлик қизча «Галабага бўлган иродаси учун» соврини билан тақдирланди.

Музаффар ЗОҲИДОВ,
«Жаҳон» АА,
Москва

Ҳунар — умр зардевори

Ҳунарда гап кўп. Болалигимдан сартарошликка қизиқардим. Кам бўлганим йўқ. Уйли-жойли бўлдим, оила қурдим, тўй-томоша қилдим. Бугун маҳалла-кўйда ўзимга яраша обрў-эътиборим, ўрним бор. Давлатимиз ҳам ҳунар эгаллаганга барча имкониятни яратиб берган, ёрдам ҳам кўрсатаяпти. Ҳаммаси яхши. Лекин мени бир нарса бироз ўйлантиради, озгина ташвишга ҳам солади: нега ёшларимиз ҳунар ўрганишга унчалик эътибор беришмайди? Этикдўз бўлай, сартарошлик қилай, темирчиликка борай, дурадгорга шогирд тушай, дейдиган ёшларимиз кам.

Баъзан ўйлаб қоламан: йигит-қизларимиз кўпроқ енгил-елпи ҳаёт кечиришга одатланиб қолишмаётирми? Аслида бирон-бир ҳунарни эгаллаш, касб-ҳунарли бўлиб, ризқу-насибасини топишга нима етсин? Шунда топган-тутганингиз баракали бўлади, турмушингиз файзли, ҳаётингиз мазмунли кечади. Ҳунарни умр зардевори, деб бекорга айтмаганлар.

Мен оддий бир касб эгаси сифатида ёшларни ҳунар ўрганишга, ўзлари танлаган касб-кор усталари бўлиб етишишга даъват қилган бўлардим.

Акбарали ИСАНОВ,
Жиззах вилояти Дўстлик шаҳарчасидаги Ғафур Ғулом номидаги маҳалла сартароши.

БАРАКАСИ ЎЗИ БИЛАН

Акс-садо

ИЗЗАТИНГДАН АЙРИЛМА

Газетанинг 15 ноябрь сонида эълон қилинган «Бидъат-хурофотдан» сақланайлик» сарлавҳали мақоладан анча таъсирландим. Дарвоқе, мақолада халқимиз ўртасида расмана қоидага айланиб қолган маъракаю маросимларда керагидан ортиқ харажату, исрофгарчиликларга йўл қўйилаётганлиги, «етти», «йигирма», «қирқ», «йил оши» каби тадбирлар давом этаётганлиги, зарарли оқибатлари таъкидланган. Умуман бу масала оммавий ахборот воситаларида бот-бот тилга олиняпти. Бидъат-хурофотнинг тараққиётга, айниқса, ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритилмоқда.

Ҳақли савол туғилади: Нега шариатга ёт бундай урф-одатлару маросимлардан кечиш қийин ўтаяпти? Халқимиз миллий урф-одатларимиз билан бидъатларнинг фарқини тўлиқ англаб етмаётгани сабаби нимада? Ахир, мамлакатимиз мустақиллигига ўн икки йил тўлди. Виждон эркинлиги бош Қомусда қайд этилган. Бу борада, исломшунос, диний уламолар маросимларни ортиқча исрофгарчилик ва дабдабасиз, умуминсоний қадриятлар асосида ўтказишни шариат тақозо қилишини тушунтириб бераяпти. Шундай экан, маҳалла-кўй ўртасида гап-сўзга қоламан, дейишга ўрин борми? Тўғри, кимдир марҳумнинг қирқ ёки йил ошиси каби маросимларини бажармаслиги у ёқда турсин, ҳатто, вақтидан сал кечикиб ўтказса ҳам маҳалладошларининг «бу қанқаси?» деган дашномларидан боши қотади.

Бу муаммонинг маънавий томони. Энди иқтисодий томонини ҳам олиб кўрайлик. «Йигирма» ёки «йил оши» каби маросимларга сарф этилаётган маблағларни моддий томондан олиб қарайдиган бўлсак, сесканиб кетасиз. Ахир, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида юзлаб одамларга тортиладиган нозу неъматлар, 80-100 килогача дамланадиган ошларнинг ўзи бўлмайди-ку! Дарҳақиқат, бундай бидъатлар исканжаси баъзи оилаларни таназзулга тортяпти. Бу ҳаммаси ўзига тўқ кишиларнинг ҳаддан ташқари ҳашаму дабдабага берилаётганида. Ўз имкониятини тан олмай, шукрона айтишни унутганларнинг эса орияти қўзғаб, қарз-ҳавола қилишга юзланмоқда. Ваҳоланки, бурунги бойлар закотни вақтида бериш, хайрия-эҳсон йўлида савоб излаб, етим-есир, меҳрибонлик уйларига мадад қўлини чўзишган. Ўйлаймизки, меҳр-мурувват илдиз отган жойда барака кўпаяди, барқарор соғлом турмуш тарзи шаклланади.

Ориф ЖУМАНОВ

Қашқадарёлик Отабек Холбозоров, Зокир Ҳамроев ва бошқалар таҳририятимизга мактуб йўллаб, халқимизнинг ажойиб фарзанди Спитамен ҳақида, унинг ҳаёти тўғрисида маълумот беришни илтимос қилган эканлар. Биз қуйида журналист-ёзувчи, «Спитамен» тарихий романининг муаллифи Мақсуд ҚОРИЕВнинг мақоласини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ёвуз босқинчиларга ва истилочиларга қарши озодлик байроғини кўтарган Широқ, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Тўмарис, малика Қабаж хотун каби аждодларимиз жасорати авлодлар учун ватанпарварлик ва шижоат тимсолидир.

Ислом КАРИМОВ

Биз қаламга олаётган ушбу тарих бундан қарийб икки ярим минг йиллар илгари бўлиб ўтган қаҳрамонлик, эл-юрт хотирасида абадул-абад сақланиб келаётган жасорат, ватанпарварлик тарихидир. Ўрта Осиё халқларининг содиқ фарзанди Спитамен ва унинг македониялик Искандар истилосига қарши озодлик, мустақиллик учун олиб борган мардонавор кураши ҳақида ҳикоя қилувчи мозий ҳақиқатларидир.

Қанча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам Спитаменнинг номи ҳамон тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга ўтиб, кўҳна тарихимиз саҳифаларига муҳрланиб қолди. Ушбу адолатли жанг, журъатнинг абадияти ҳозирги замон ёшларида мардлик намунаси сифатида ўзлигини, ўзбеклигини англаш ҳиссиётини, буюк авлод-аждодларимиз жасоратидан фахрланиш туйғуларини уйғотади.

✧ ✧ ✧

Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга юриши, унга қарши бўлиб ўтган халқ қўзғолонлари ва бу қўзғолонларга йўлбошчилик қилган Спитаменнинг курашлари ҳақидаги маълумотлар фақат қадимги юнон олимлари Арриан Флавийнинг «Искандар юришлари», Квин Курций Руфнинг «Александр Македонский юришлари», шунингдек, Птоломей, Старабон, Юстин Диодор ва бошқа тарихчилар томонидан ёзиб қолдирган битиклар орқали бизга қадар етиб келган. Искандар ўзини бутун дунё ҳукмдори дея ҳис этар, шу важдан босқинчилик ҳаракатларини тарих варақларида қолдириш мақсадида, муаррихларни ўзи билан бирга олиб юрар эди.

Маълумки, Искандарнинг Ўрта Осиёга юриши унинг босқинчилик урушларининг бир қисми эди. У бунга қадар Мисрни, Олд Осиёни шунингдек, Шарқдаги қадимий ва кучли бўлган Аҳмонийлар салтанатини ағдариб, ўзининг қуролланган кўп минг сонли қўшинлари билан Амударёни кечиб ўтиб, Суғдиёнага ёвузларча бостириб киради. Йўл-йўлакай кўп шаҳар ва қишлоқларни оёқ ости қилиб, Суғдиёна пойтахти Мароқанд (Самарқанд ўша вақтда шундай деб аталарди) шаҳрини эгаллайди. Кейин бу ерда кичик бир қўшин бўлагини қолдириб, ўз юришларини давом эттиради. Марказий Осиёда яшовчи каттакичик халқлар: суғдлар, дахлар, массагетлар, форслар, саклар, қолаверса дашт скифлари юнон-македон истиълосига қарши бош кўтарадилар. Ана шу халқ қасоскорларининг озодлик кураши бошида Спитамен турарди.

Спитамен бошчилигидаги халқ лашкарлари дастлаб Мароқандда қолган юнон-македонларни қамал қилади. Бу хабарни эшитган Искандар зудлик билан маҳаллий тилни яхши биладиган Фарнуҳ тортиб Мароқандга юриш бошлайди. Спитамен эса яна чекинади. Газаб отига минган Искандар ҳалок бўлган жангчиларининг қасосини олиш учун йўл-йўлакай қишлоқларга ўт қўяди. 120 мингдан ортиқ тинч аҳолини қириб ташлайди. Спитаменни қўлга олиш чораларини излай бошлайди. Аммо, у қўлга тушмас қасоскор эди. Бир зумда чақмоқ сингари пайдо бўлар, ё кечаси, ё тонг чоғи ҳужум қилиб душман қўшинларига тинчлик бермасди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Спитамен босқинчиларга қарши курашда анчагина тажрибага эга бўлган саркарда сифатилик билан камондан ўқ узар, унинг бехато ўқидан душман омон қолмасди. Оқибатда улар қувишни тўхтатиб орқага қайтишга мажбур бўларди. Массагетлар ўқ-ёйни бехато отадиган мерганлар ҳисобланар, ўзлари учун қулай жойни танлаб душман қўшинларини ўқ ёмғири остида қолдириб, уларни ер тишлатарди. Форслар қиличбозликда устаси фаранг бўлиб, Спитамен қардошларининг жанг қилиш усулларидан вақти келганда жуда усталик билан фойдаланарди. У ҳеч қачон душман қўшинлари билан очиқ майдонда юзмаюз жанг қилиш йўлидан бормади. Кўпинча чўл ёки қуюқ чакалакзорлар ёқасида қўққисдан пайдо бўлар, ёғийларга зарба бериб, шундай тезликда ғойиб бўлиб қоларди. Юнон-македонларнинг кўп сонли қўшинларига оғир қуролларидан фойдаланиш имкониятини бермасди.

Спитамен Мароқандни иккинчи бор ташлаб чиқиб кетганда, македонияликлар Спитаменни қўлга тушириш учун унинг ортидан измаиз таъқиб эта бошлади. Аммо Спитамен ўз режаларини усталик билан амалга ошириш учун яна чўл томон йўл олди. Йўл-йўлакай қишлоқ ва шаҳарлардаги минглаб ғазабнок аҳоли Спитаменга қўшилиб, халқ лашкарларининг сони кўпайиб борди. Спитаменнинг атрофида энди Датаферн, Оксиорт, Сисимифр, Хариен, Катан ва бошқа жанговар халқ саркардалари тўпланганди. Уларнинг ҳар бири ўз элатларининг йўлбошчилари, мустаҳкам қалъа ва истеҳкомларнинг хўжайинлари эдилар.

Шундай қилиб Спитамен Мароқанддан уни таъқиб этиб келаётган юнон-македон аскарларини чўл ёқасида кутиб олди. Бу жанг озодлик учун курашаётган халқ тарихида ўчмас из қолдирди. Осиёликлар Искандар қўшинларига қарши шундай шижоат ва мардоноворлик билан жанг қилдиларки, македонияликлар бундай шиддатли, қаттиқ қаршиликка ҳеч қаерда учрамаган эди. Моҳирона жанг қилиш намунасини Спитаменнинг ўзи кўрсатди. У қайси томонга ҳужум қилса, душман жангчиларининг сафлари бўлиниб, улар тезда қочишга ҳаракат қилишарди. Юнон тарихчиларининг ёзишича, Искандарнинг машҳур саркардаси Менедем халқ қаҳрамонларининг шиддатли зарбасига бардош беролмай, оғир ярадор бўлгач, ўз яроқбардори Гипсидага «Сен менинг отимга миниб, бу дўзахдан чиқиб кет. Тезроқ Кратерга хабар қил, етиб келсин», деди. Шу сўзларни айтгач, Менедем жанг майдонида отдан қулайди.

Бу жангда Искандарнинг ўттиз минг қўшинидан саккиз минг киши тирик қолди, холос. Бутун жаҳонга енгилмас деб донг чиқарган юнон-македон қўшинлари яна бир бор қаттиқ зарбага учради. Юнон ва рим манбаларида баён этилишича, Спитаменнинг жанговар ҳаракатлари, унинг душманга чап бериб, мардонавор курашлари Бақтриядаги қўзғолончилар томонидан қўллаб-қувватлаб турилди. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, Бойсунда яшовчи Ксенеппа аҳолиси ҳам қўзғолон кўтариб, Искандарга қарши ўз элатларининг йўлбошчилари, мустаҳкам қалъа ва истеҳкомларнинг хўжайинлари эдилар.

Шундай қилиб Спитамен Мароқанддан уни таъқиб этиб келаётган юнон-македон аскарларини чўл ёқасида кутиб олди. Бу жанг озодлик учун курашаётган халқ тарихида ўчмас из қолдирди. Осиёликлар Искандар қўшинларига қарши шундай шижоат ва мардоноворлик билан жанг қилдиларки, македонияликлар бундай шиддатли, қаттиқ қаршиликка ҳеч қаерда учрамаган эди. Моҳирона жанг қилиш намунасини Спитаменнинг ўзи кўрсатди. У қайси томонга ҳужум қилса, душман жангчиларининг сафлари бўлиниб, улар тезда қочишга ҳаракат қилишарди. Юнон тарихчиларининг ёзишича, Искандарнинг машҳур саркардаси Менедем халқ қаҳрамонларининг шиддатли зарбасига бардош беролмай, оғир ярадор бўлгач, ўз яроқбардори Гипсидага «Сен менинг отимга миниб, бу дўзахдан чиқиб кет. Тезроқ Кратерга хабар қил, етиб келсин», деди. Шу сўзларни айтгач, Менедем жанг майдонида отдан қулайди.

Бу жангда Искандарнинг ўттиз минг қўшинидан саккиз минг киши тирик қолди, холос. Бутун жаҳонга енгилмас деб донг чиқарган юнон-македон қўшинлари яна бир бор қаттиқ зарбага учради. Юнон ва рим манбаларида баён этилишича, Спитаменнинг жанговар ҳаракатлари, унинг душманга чап бериб, мардонавор курашлари Бақтриядаги қўзғолончилар томонидан қўллаб-қувватлаб турилди. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, Бойсунда яшовчи Ксенеппа аҳолиси ҳам қўзғолон кўтариб, Искандарга қарши

Биз билган ва билмаган тарих

СПИТАМЕН

да илгари Бақтрия, Эрон қўшинларида хизмат қилиб пишиган, юнон-македонларнинг жанг қилиш услуби, қурол-яроғлари, умуман ҳарбий қудратини яхши биларди. Энг муҳими Спитамен Ўрта Осиёда яшовчи турли элатлар, уруғлар, қавмлар, миллий гуруҳларнинг тилини ҳам, дилини ҳам яхши англар, улар билан тезда тил топишиб кета олиш қобилиятига эга, яна бир муҳим томони, уларнинг жанг қилиш усулларидан хабардор эди. Масалан, дахлар бир отга икки киши мингашиб жанг қилишар, кейин вақти келганда улардан биттаси отдан сакраб тушиб бир неча дақиқа душман билан олишиб, кейин яна чаққонлик билан отга мингашиб оларди. Ёки бўлмаса сакларнинг мерган аёллари отда қочиб кетаётган бўлиб, қувиб келаётган душманга усталик билан ўқ узиб, уларни ер тишлатарди. Форслар қиличбозликда устаси фаранг бўлиб, Спитамен қардошларининг жанг қилиш усулларидан вақти келганда жуда усталик билан фойдаланарди. У ҳеч қачон душман қўшинлари билан очиқ майдонда юзмаюз жанг қилиш йўлидан бормади. Кўпинча чўл ёки қуюқ чакалакзорлар ёқасида қўққисдан пайдо бўлар, ёғийларга зарба бериб, шундай тезликда ғойиб бўлиб қоларди. Юнон-македонларнинг кўп сонли қўшинларига оғир қуролларидан фойдаланиш имкониятини бермасди.

Спитамен Мароқандни иккинчи бор ташлаб чиқиб кетганда, македонияликлар Спитаменни қўлга тушириш учун унинг ортидан измаиз таъқиб эта бошлади. Аммо Спитамен ўз режаларини усталик билан амалга ошириш учун яна чўл томон йўл олди. Йўл-йўлакай қишлоқ ва шаҳарлардаги минглаб ғазабнок аҳоли Спитаменга қўшилиб, халқ лашкарларининг сони кўпайиб борди. Спитаменнинг атрофида энди Датаферн, Оксиорт, Сисимифр, Хариен, Катан ва бошқа жанговар халқ саркардалари тўпланганди. Уларнинг ҳар

кандар қўшинларига аёвсиз зарба бердилар. Имкониятдан фойдаланган Спитамен яна қатъий ҳужумга ўтади. Унга массагетларнинг уч минг кишилик лашкари, қишлоқлардаги кичик-кичик жангчи отрядлари бирин-кетин келиб қўшила бошладилар.

Хуллас бутун Суғдиёна жанг майдонига айланган. Ёшу қари қўлига қурол олган. Улар Ватан озодлиги йўлида ўлимдан ҳам қайтмадилар. Усрушондаги тоғликларнинг ёки Кропол (Хўжанд) шаҳри ҳимоячиларининг сўнгги қонлари қолгунча курашганлари, ёки бўлмаса ўлимга маҳкум этилган ўттиз зодагоннинг Искандардан шафқат сўрашдан бош тортиб, ўз ўлимларини қўшиқ айтиб, рақс тушиб қарши олганликлари тарих саҳифаларида юнон солномачиларининг ўзлари томонидан ёзиб қолдирилган. Арриан «Искандар юришлари» асарида ҳаёт-мамот учун жанг қилган тоғликлар ҳақида: «Улар катта-кичик, қари-ёш йигирма минг иссиқ жон эди» деб ёзади. Тоғликлар билан бўлган жанглар вақтида Искандарнинг ўзи ҳам елкасидан қаттиқ ярадор бўлди.

Ҳаёт-мамот жангига кирган қўзғолончилар Искандар қўшинларининг Кен бошчилигидаги яхши қуролланган отрядига рўбарў келиб қоладилар. Жанг бир неча соат давом этади. Қонлар дарёдарё бўлиб оқди. Икки томон ҳам кўп талафот кўрди. Маълум манбаларда айтилишича, бир қисм суворийлар душман ҳужумига бардош беролмай Спитамендан юз ўгириб, Кенга таслим бўлишади. Спитаменнинг энг яқин иттифоқчиси бўлган массагетлар озиқ-овқат ортилган карвонни талаб, қўлга туширган катта ўлжаларини олиб чўлга чекинишади. Ноилож қолган Спитамен ҳам жангоҳни тарк этади.

Озодлик йўлбошчисининг ўлими ҳақидаги маълумотлар турлича. Аррианнинг ёзишича, массагетлар Искандарнинг Спитаменни таъқиб этиб, қўшин тортиб келишидан қўрқиб, гўё подшоҳнинг мурувватига эришиш мақсадида Спитаменнинг калласини олиб Искандарга юборишган. Квин Курций эса Спитаменни ўз севикли хотини ўлдирган деган ривоятни келтиради. Стараборнинг ёзувларида эса Спитамен саклар ва хоразмийлар ҳузурига қочиб кетган, деган маълумот бор.

Спитамен ўлимидан сўнг Искандар қўзғолончилар жойлашиб олган муҳим истеҳком ва мудофаа қалъаларини бирин-кетин босиб олади.

Хулоса қилиб айтганимизда, ҳарбий билимларни пухта эгаллаган, ҳақиқий ватанпарвар, ҳуррият йўлида енгилмас курашчи Спитамен Искандардек жаҳонгашта фотиҳнинг мунтазам жангларда тобланган қўшинларига кучли зарба бериш билан бирга, уларга қарши туриши мумкин бўлган куч борлигини англатди. Спитамен эса шундай бир буюк сиймоки, халқ унга аллақачон абадийлик ҳайкали қўйган. Фотиҳ Искандар эса охир-оқибатда бу ўлкаларга келганига пушаймон бўлди. У Суғдиёнада уч марта яраланди, оғир касалликка чалинди. Бир қанча машҳур саркардаларни ўлдирилди.

Спитамен мустақиллик учун курашнинг биринчи байроқдори сифатида тарих саҳифаларида абадул-абад қолади. У она юртнинг эрксевар фарзандидир. Буюк саркарда жангу жадалларда толмади, иродаси букилмади, ҳеч кимга бўйсунмади. Ватан ишқида ёнган юракка душман ўқи рўпара келолмади. Она тупроқ озодлиги учун кўтарилган бошни қилич кесолмади. Энг оғир дамларда бепоён чўллар, дашту биёбонлар, чангалзору ўрмонлар, осмонўпар тоғлар уни ўз бағрига олди.

Камина муаллиф «Спитамен» романида рамзий маънода «Спитаменни суғд тоғлари ёнбағридаги улкан бир қояга қилинган дахма (мақбара)га дафн этишди», деб ёзганман. Ҳа, Спитаменни она тупроқ ўз бағрига олган. Чунки, у ўз элининг содиқ ўғлони эди... У Ватанимиз тарихида буюк, енгилмас жанговар саркарда, миллий қаҳрамон сифатида қолади.

Мақсуд ҚОРИЕВ





XIVA-KARPET

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини кириб келаётган

ЯНГИ ЙИЛ

билан самимий муборакбод этади.

Хонадонларингиздан тўкин-сочинлик, қут-барака аримасин, ҳар бир қалбни меҳр-мурувват, бахт-омад ҳеч қачон тарк этмасин. Етти иқлимга машҳур Хива гилами Сизнинг йўлларингизга пояндоз. Келгуси йилда ҳам турли-туман гиламлар ишлаб чиқариб, уйингизга чирой бахш этиш бизга хурсандчилик бағишлайди.

Инсон хотираси — азиз

ТЕЛЕМАРКАЗ ДИРЕКТОРИНИНГ ЖАСОРАТИ

Биз ҳикоя қиладиган воқеани билиб қўйиш ҳар бир ўзбек ва ўзбекистонлик учун, ҳар бир телетомошабин ҳамда санъат ихлосманди учун, маънавий-маданий меросни қадрлайдиган ҳар бир инсон учун ўта муҳим, деб ўйлайман Хулоса чиқариш эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Эҳтимол кимлардир муносабат билдирар.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари, яъни қайта қуриш йиллари эди. Бир куни кутилмаганда телевидениега Ўзбекистоннинг идеология раҳбари ташриф буюрди. У таҳририятлар иши билан танишар экан, бадиий кўрсатувлар, яъни адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятига кирди.

— Фондларингизда нима бор? — сўради идеология раҳбари.

— Кўп нарса, — деди таҳририят бош муҳаррири Ўрол Ўтаев ва унга рўйхат узатди. Ўзбекистоннинг идеология раҳбари рўйхатга бироз тикилиб турдида, уни чўнтагига солиб қўйди.

Орадан уч кун ўтиб, телерадио қўмитанинг ўша пайтдаги раиси адабий-драматик кўрсатувлар таҳририяти бош муҳаррири Ўрол Ўтаев билан бош режиссёри Мақсуд Юнусовни ўз хонасига чақиртирди.

— Юқоридан топшириқ бўлди, мана бу рўйхатда қизил қалам билан белгиланган барча видеофильмлар ҳамда спектакларни ўчириб ташлайсизлар, — деди раис дабдурустдан уларга.

Мақсуд Юнусов ҳайратдан қотиб қолди. Чунки, қизил қалам билан белги қўйилиб, тўғрисига «ўчирилсин!» деб ёзилган телеасарлар қаторида «Навоий», «Улуғбек хазинаси», «Гирдоб» сингари ва бошқа олтин фондни безаб турган видеофильмлар ҳамда Ҳамза театрида намойиш этилган спектакларнинг телевизион вариантлари бор эди.

— Бунга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! — деди ниҳоят ўзига келган Мақсуд Юнусов.

— Ахир, бу телевидениенинг, қолаверса, халқнинг мулки-ку! — қўшимча қилди Ўрол Ўтаев.

Раис топшириқни қатъий ва кескин оҳангда такрорлади:

— Ўчиришни бугундан бошлайсизлар, гап тамом, вассалом!

— Мен ариза ёзиб кетсам ўчиртирмайсизми?.. — умидворлик билан термулди Мақсуд Юнусов.

— Олдин ўчиринг, кейин ариза ёзасиз.

Бош муҳаррир билан бош режиссёр раиснинг қаршисида қаққайиб туриб қолишди.

— Тепанинг топшириғини бажармасликка менинг ҳам ҳаққим йўқ тушунинглар, — деди раис ва огоҳлантирди: — Ўчирилган рулонларни қутичалари билан бирга менга кўрсатасизлар.

Бошлари қотиб, иложсиз қолишган бош муҳаррир билан режиссёр маслаҳат учун телемарказ директори Ҳамидулла Назировнинг олдига киришди ва бўлган воқеани айтиб беришди.

— Ҳаммасидан хабарим бор, раис менга сизларни назорат қилишимни топширди, — деди Ҳамидулла ака ва сўзида давом этди. — Мен бир нарсани ўйлаб қўйдим, лекин буни учаламиздан бошқа ҳеч ким, ҳатто оддий техник ходимлар ҳам билмасликлари керак.

— Сир сирлигича қолади, — деди Мақсуд ака.

Ҳамидулла ака рўйхатга кўз югуртириб чиқиб бош чайқади:

— Даҳшат-ку!.. Улуғбек билан Навоийни ўчиртиришга қандай журъат этишди? Ахир бу рўйхатдаги йигирмата асар бутун бир олтин фондимиз-ку! Бу жаҳолатдан бошқа нарса эмас.

— Ака, минг раҳмат, — деди шошилганидан Ўрол Ўтаев. — Мен сизни ижодкорнинг юрагини тушунмайдиган одам деб юрар эдим, узр сўрайман, сиз телевидение тарихида, халқимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз тарихида қоладиган савоб иш қиляпсиз.

— Гап бундай, — деди Ҳамидулла ака, — заҳирада ўттизта рулоним бор. Ўчирилиши керак бўлган рулонларни уларга алмаштирамиз. Янги рулонларни эски қутичаларга жойлаштириб, мана ўчирдик, деб уларни раисга топширамиз.

— Бирортаси буни раисга айтиб қўйса-чи? — деди Мақсуд ака.

— Бу ишга ҳеч кимни аралаштирмаймиз. Уни бугун кечаси учаламиз бажарамиз, — деди Ҳамидулла ака ва бош режиссёрга таскин берди. — Подвалда одам тугул, овчаркалар ҳам тополмайдиган жойлар бор. Эски рулонларни бошқа рақамларда янги қутичаларда ўша ерларга яширамиз.

Шундай қилиб, телемарказ директори Ҳамидулла Назировнинг ташаббуси ва топқирлиги билан бир кечада телевидениенинг олтин фонди, маданиятимиз мероси сақлаб қолинди. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай, Ҳамидулла ака бандаликни бажо келтирди. У кишига мустақилликни кўриш насиб этмади. Ўзи яширган бойлик ҳали подвалда эканлигидаёқ оламдан ўтди.

Хўш, Ҳамидулла Назировнинг бу фидойилиги, айтиш мумкинки, бу жасорати, умуман, уч киши ўртасидаги сир қачон ошкор қилинди?! 1991 йил 31 июль куни телерадио қўмитасида бошқарув ҳайъатининг ана шу воқеага бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Ўшанда Ҳамидулла акани хотирлашди ва унинг хатти-ҳаракатини жасорат деб баҳолашди. Мен ўша пайтда бошқарув ҳайъатининг котиби сифатида ҳамманинг сўзларини ёзиб олганман. Сақлаб қолинган олтин фонд рўйхатида нафақат видеофильмлар, телеспектакллар, театрларда қўйилган саҳна асарлари, балки таниқли шоирлар, ёзувчилар, олимлар, маданият арбоблари ҳақида телеочерклар, уларнинг ўз сўзлари ҳам бор. Айтиш мумкинки, Ҳамидулла Назиров ўзининг хатти-ҳаракати билан мустақилликка, маданий-маънавий меросимизга, миллий санъатимизга, телевидение равнақига салмоқли ҳисса қўшди. Ҳозир телемарказда унинг шогирдлари меҳнат қилишмоқда. Мақсуд Юнусов эса барча режиссёрларнинг устози.

Телеэкран қаршисида ўтириб мустақилликкача яратилган видеофильмларни ҳамда телеспектакларни кўраётганингизда Ҳамидулла ака каби инсонларни бир эслаб қўярсиз, деган ниятда ушбу хотирани ёздик.

Иброҳим НОРМАТОВ

ХАЛҚАРО МУКОФОТГА ЭРИШДИ

Навоийликлар Лондондан ажойиб хушхабар олишди. Унда 15-Халқаро сифат ва стандартлаш қўмитаси конвенциясига кўра «Навоийдонинвест» масъулияти чекланган жамиятда ишлаб чиқарилаётган «Браво» русумидаги туркум пиволар тури «QC-100» сифат кўрсаткичи, 1-даражали сертификат дипломи ҳамда Халқаро олтин кубоги соврини билан тақдирланганлиги эътироф этилди.

Ўзбекистон — Германия технологияси билан ишлаётган мазкур жамоа қисқа вақт ичида арпадан ташқари буғдойли «Браво» пиволари турини ҳам яратди. Ўтган йилнинг ўзида бу ерда 1 миллиард 800 миллион сўмлик сифатли ичимлик тайёрланди. Халқаро талабларга мос «Браво-8», «Браво-9» буғдойли пиво турлари нафақат вилоят туманларига, балки Самарқанд, Тошкент шаҳарлари, қолаверса Ҳамдўстлик мамлакатлари — Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистонга ҳам жўнатилаяпти.

Музаффар ШАРОПОВ

ОҲАНГАРОН ШАҲАР САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

кириб келаётган
ЯНГИ — 2004 ЙИЛ
билан Ўзбекистон халқини, республика Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Тошкент вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ходимларини ва таълим соҳасида фаолият юритувчи барча инсонларни самимий муборакбод этади.

Келаётган «Меҳр ва мурувват йили» Сизларнинг хонадонингизга тўкин-сочинлик, қут-барака ва меҳр-оқибат олиб келсин!

ГУЛЛАБ-ЯШНАЁТГАН ЮРТИМИЗНИ АЛЛОҲ ЎЗ ПАНОҲИДА АСРАСИН!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

ХАЙРИЯ ЮКЛАРИ ТАРҚАТИЛДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг турли мамлакатлар билан ҳамкорлиги самарали кечмоқда. Хусусан, шу йилнинг декабрь ойида АҚШнинг «Сити Хоуп Интернейшнл» халқаро хайрия ташкилоти томонидан 150564,96 АҚШ доллари миқдорида махсус озиқ-овқатлардан таркиб топган мурувват юки келтирилди. Бу хайрия юклари ногиронлик муассасаларига тарқатилди.

Германиянинг «Фриденсдорф интернейшнл» халқаро ташкилоти 1967 йили ташкил топган бўлиб, бугунги кунда 25 дан ортиқ мамлакатда турли тадбирларни амалга оширмоқда. Ташкилотнинг асосий вазифаси тиббий ёрдамга муҳтож болаларга кўмак беришдан иборат. Ушбу ташкилот орқали, юртимизнинг 28 нафар дардманд болалари Германияда даволандилар.

АҚШнинг «Амери Керс» халқаро ташкилоти эса турли мамлакатларга дори-дармон, тиббий маҳсулот ва жиҳозларни инсонпарварлик ёрдами сифатида етказиш билан шуғулланади. Бу жамғарма билан ўзаро алоқа боғланганидан бери Ўзбекистонга 35 миллион АҚШ доллари миқдорида хайрия ёрдами кўрсатилган.

Куни кеча эса ҳар иккала халқаро ташкилот томонидан келтирилган мурувват юкларини республикамиз тиббий муассасаларига тарқатиш тақдимоти бўлиб ўтди. Жумладан, «Амери Керс» ташкилотининг 500 минг АҚШ доллари, Германиянинг 3989,17 Евро миқдоридаги хайрия юклари беморларни даволашда, болаларимизни соғломлаштиришга сарфланади.

Анвар МИРЗО

Шеър ва шуур

«АМРИҚО ДАФТАРИ»

(Туркумдан)

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

СИЭТЛДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни

Илза опа юртга ош бераётир,
Меҳмонлар келади олис-яқиндан.
Дастурхон устида сўз бораётир
Ҳур Ватан,
оқибат,
ўзбек ҳақинда...

Қуллуқ, опажоним, юзда табассум,
Аллоҳ умрингизни этсин мукаррам.
Халқим ардоқлаган энг буюк удум,
Шукр, етиб келди бу ерларга ҳам...

ИНДИАНЛАР

Йоннондио — сен қўшиқ,
сен шеърият...

Уолт УИТМЕН

Уммон соҳилида ётар бир бола,
Ғафлат уйқусидан очмас кўзини.
Қора булутларга бўғоз ҳаволар
Ҳукмрон сезади бунда ўзини.
У қандай ҳаводир, пуськургани ўт,
У қандай булутдир, ёқар оловлар?
Боланинг устида гоҳ худ, гоҳ бехуд
Балқийди Оврупо тутган яловлар...

ТЎЙ БЎЛСА...

Тўй бўлса, Амриқо элида удум:
Йигит қиз қошида тиз чўкар бир зум.
Тиз чўкар ва лекин билмайдики қиз,
Йигит тиз чўкару, қалби чўкмас тиз.

Тўй бўлса, ўзбекнинг элида удум:
Йигит қиз қошида тиз чўкмас бир зум.
Тиз чўкмас ва лекин шуни билар қиз,
Йигит мағрур қолар, қалби чўкар тиз...

«Экосан» халқаро жамғармаси, республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Ўзтелерадиокомпания, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҳамкорликда «Сув келажак учун» кўрик-танловини ўтказган эди. Байрам арафасида мазкур кўрик-танловнинг якунлари чиқарилиб, ғолиблар эълон қилинди. Танловга 200 дан зиёд иш тақдим этилган бўлиб, уларни ҳайъат аъзолари муносиб баҳоладилар.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА БАЙРАМОНА СОВҒАЛАР

Маълумки, газетамиз саҳифаларида йил бўйи оби ҳаётнинг тозалигини сақлаш, ундан тежамкорлик билан фойдаланиш, жойларда сувни оқилона тасарруф этиш масалаларига бағишланган танқидий-таҳлилий чиқишлар кўп бўлди. Бу борада газета махсус мухбири Соҳибжон Салимовнинг Анҳор ва Бўзсув каналлари тозалигига бағишланган мақолалари «Экосан» халқаро жамғармаси совринига лойиқ деб топилди. Шунингдек, унга республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қимматбаҳо мукофоти ҳам бериладиган бўлди. Бир сўз билан айтганда, кўрик-танловнинг ўтказилиши юртимиз табиатини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Мирҳайдар АБЗАЛОВ



Ўзбекистон акциядорлик-тижорат саноат-қурилиш банки

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

акциядорлар, мижозлар, юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонларини

ЯНГИ – 2004 ЙИЛ БИЛАН

самимий табриклайди!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва ишларингизда муваффақиятлар тилайди.

Айём муносабати билан Сизларга юқори даромад берувчи «Хазина» деб номланган янги муддатли омонат турини таклиф этади.

Омонатни сақлаш муддати 2 ой бўлиб, йиллик 50 фоиз ҳисобидан, ҳар ойга 4,16 фоиз миқдорида даромад тўланади. Омонатнинг энг кам миқдори 10 минг сўм бўлиб, унга қўшимча маблағ қўйишингиз ва сақланган муддатига ҳисобланган фоиз даромадларини ҳар ойда олишингиз мумкин.

«Хазина» омонатига аҳолининг нақд пул маблағлари «Ўзсаноатқурилишбанк» филиалларининг барча жамғарма кассаларида қабул қилинади.

Ўз жамғармаларингизни «Ўзсаноатқурилишбанк»да сақлаш ва кўпайтириш имконини қўлдан бой берманг!

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 120-45-17, 120-45-24, 133-34-45



RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ва РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

Она-Ватанимиз — Ўзбекистон халқини, ишбилармон ва тадбиркорларни кириб келаётган Янги — 2004 йил — «Меҳр ва мурувват йили» билан чин қалбдан табриклайди ва

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2004 йил 8 январь куни соат 11.00 да республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилади:

1. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 232, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295,0 минг сўм.**
2. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 231, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295,0 минг сўм.**
3. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 225, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295,0 минг сўм.**
4. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 251, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295,0 минг сўм.**
5. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 136, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—11582,0 минг сўм.**
6. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 229, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—11582,0 минг сўм.**
7. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 016, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295,0 минг сўм.**
8. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 224, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—9008,0 минг сўм.**
9. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 212, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—12869,0 минг сўм.**
10. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 211, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—9008,0 минг сўм.**
11. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 207, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295,0 минг сўм.**
12. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 214, 1997 йил. **Бошланғич баҳоси—9008,0 минг сўм.**
13. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 285, 1997 йил. **Бошланғич баҳоси—9008,0 минг сўм.**
14. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 213, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—9008,0 минг сўм.**
15. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 210, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—9008,0 минг сўм.**
16. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 255, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—9008,0 минг сўм.**
17. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 280, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295,0 минг сўм.**
18. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 176, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—11582,0 минг сўм.**
19. «Опель Омега» русумли, давлат рақами 10 PA 205, 1999 йил. **Бошланғич баҳоси—16769,0 минг сўм.**
20. «Опель Омега» русумли, давлат рақами 10 PA 208, 1999 йил. **Бошланғич баҳоси—21881,0 минг сўм.**
21. «ДЭУ-Эсперо» русумли, давлат рақами 10 UZ 158, 1992 йил. **Бошланғич баҳоси—11363,0 минг сўм.**
22. «ДЭУ-Тико» русумли, давлат рақами 10 AA 510, 1997 йил. **Бошланғич баҳоси—2658,0 минг сўм.**
23. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 216, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—11582,0 минг сўм.**
24. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 217, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—9008,0 минг сўм.**
25. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 224, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295,0 минг сўм.**
26. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 229, 1998 йил. **Бошланғич баҳоси—14156,0 минг сўм.**
27. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 332, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—11582,0 минг сўм.**
28. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 312, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—12869,0 минг сўм.**
29. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 319, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—14156,0 минг сўм.**
30. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 248, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—12869,0 минг сўм.**
31. «Опель Омега» русумли, давлат рақами 10 UZ 574, 2000 йил. **Бошланғич баҳоси—22672,0 минг сўм.**
32. «Мерседес-Бенц 500 SL» русумли, давлат рақами 10 O 29 01, 1993 йил. **Бошланғич баҳоси—15057,0 минг сўм.**
33. «БМВ-524 TD» русумли, давлат рақами 10 H 05 96, 1991 йил. **Бошланғич баҳоси—5986,0 минг сўм.**

Ушбу аукцион савдоларига қуйидаги объектлар ҳам қўйилади:

1. Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Н. Холматов кўчасида жойлашган 3-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (3-АЁҚШ). **Бошланғич баҳоси—38205 АҚШ доллари.**

2. Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Шоссейная кўчасида жойлашган 1-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (1-АЁҚШ). **Бошланғич баҳоси—4139,8 АҚШ доллари**

2004 йил 29 январь, 5 февраль кунлари соат 11.00 да республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилади:

Қашқадарё вилояти, Қамаши туманида жойлашган 10-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (10-АЁҚШ). **Бошланғич баҳоси—7741,1 АҚШ доллари.**

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржаси ва «Кимошди савдолари агентлиги»га мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 8-хона.

Маълумот учун телефонлар: 133-25-21, 136-28-75.

Факс: 136-06-17

www. rkmb. expo. uz

Лицензия рақами: 000004

Интер-спорт

Масалани суд ҳал қилади

Халқаро хоккей уюшмаси президенти Рене Фазель НХЛ раҳбариятига мактуб йўллаб, ЦСКА жамоасининг собиқ хоккейчиси Николай Жердев билан боғлиқ масалани арбитраж суди ҳал этишини маълум қилди. Бунга қадар хоккейчининг «Колумбус»да ўйнаши ман этилди.

Халқаро хоккей уюшмаси билан НХЛ ўртасида илгари ҳам спорт арбитражи аралашуви бўлган эди. Ўшанда «Оттава» клубида шайба сураётган Алексей Яшиннинг жаҳон чемпионатида иштирок этадиган Россия терма жамоасига келиб қўшилишига тўсқинлик қилинганди. Халқаро хоккей уюшмаси билан Россия хоккей уюшмасининг аралашувидан кейин масала ўйинчининг фойдасига ҳал бўлганди. Бу сафар ҳам иш жиддий тус оладиган кўринади. Боиси, масалага Россия давлат спорт қўмитаси раиси Вячеслав Фетисов аралашди. Бордию, арбитраж суди Николайнинг НХЛда ўйнашига йўл қўймаса, «Колумбус» бундай қарорга кўнмаса, Россия хоккей уюшмаси бўлажак нуфузли мусобақа — жаҳон кубоги учун курашда иштирок этишдан бош тортиши мумкин экан.

Бразилиялик футболчи «Сатурн»да

Бразилия чемпионатида ғалаба қозонган «Крузейро» клубининг ярим ҳимоячиси Аугусто Ресифе Москванинг «Сатурн» жамоаси раҳбари Олег Романцевнинг таклифини қабул қилди. Футболчи билан боғлиқ олди-сотди масаласи 900 минг долларга тушди. Шундай қилиб «Сатурн»га таклиф қилинган Бразилия футболчилари сони тўрттага етди. Бўйи 169 сантиметр, вазни 61 килограмм бўлган Аугусто асосан ҳимояда туришни ўрнига қўйиши билан ажралади.

«Милан»га қайтмоқчи эмас

Хорватиянинг энг яхши футболчиларидан деб баҳоланган Дадо Пршо «Милан»га қайтмоқчи эмаслигини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, «Монако»да юлдуз бўлиб юриш «Милан»да тўртинчи ҳужумчи бўлишдан афзал экан. Балки, у Европа чемпионатида Хорватия билан Франция ўзаро учрашишини яхши билса керак. Бу учрашув ўтказилишига эса ҳозирча 6 ой бор. Демак, ҳаммасини вақт кўрсатади.

ГАЗ КОНИДА ПОРТЛАШ

Хитойнинг жануби-ғарбида жойлашган Чунцин шаҳридан унча узоқ бўлмаган Чхуандонбэй газ конида катта портлаш юз берди. Натижада 190 киши қурбон бўлди, дейилади BBC News сайтидаги хабарда.

Манбаларда қайд этилишича, портлаш оқибатида ҳавога жуда кўплаб табиий газ ва водород сульфид тарқалган. Бу эса кўп одамларнинг заҳарланишига ва ҳатто ўлимига сабаб бўлган.

Ҳозир 5 километр теварак-атрофда истиқомат қилувчи одамлар хавфсиз жойларга кўчирилган.

XORIJDA

ҚЎРИҚЛАШ КУЧАЙТИРИЛДИ

Эрон ҳукумати Буюк Британиядаги, Туркия ва Швейцариядаги ўз элчихоналарини қўриқлашни кучайтирди.

Теҳроннинг вице-губернатори хабар беришича, элчихоналарда террор содир этилиши мумкинлиги ҳақидаги махсус хизматлар огоҳлантирувидан сўнг шундай қарорга келинган, дейилади Reuters агентлиги ахборотида.

Рождество байрамида террорчилик акти содир этилишининг олдини олиш борасида расмий Вашингтон огоҳлантиргач, Британия полицияси ҳам Лондондаги АҚШ элчихонасида соқчилик хизматини кучайтирди. Лекин, АҚШ разведкаси ҳозирча террор хавфи йўқлигини эътироф этмоқда. Ваҳимага берилишга асос йўқ. Бироқ, эҳтиёткорлик бугунги кун зарурияти.

ПРЕЗИДЕНТГА ЯНА СУИҚАСД

CNN телекомпанияси хабар беришича, пайшанба куни Покистон Президенти Парвез Мушаррафга яна суиқасд уюштирилган. Бу сўнгги икки ҳафтада иккинчи марта уринишдир.

Ҳозирча портлаш тафсилотлари ҳақида ҳеч нарса дейилмаяпти. Фақат шу нарса маълумки, Исломободдан унча узоқ бўлмаган Равилпинди шаҳрида иккита кучли портлаш юз берди. Sky News телекомпанияси сайтидаги хабарга кўра, шулардан бири автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси ёнида содир этилган. Бу пайтда айнан шу жойдан Президент кортежи ўтаётган эди.

Портлаш оқибатида 8 киши оламдан кўз юмди. Кортеждагиларга эса ҳеч қандай зиён-заҳмат етмади.

АНТИБИОТИКЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ

Хитой ҳукумати келгуси йил биринчи июлдан мамлакатда антибиотиклар эркин савдосини тақиқлашни мўлжаллаб турибди.

Хитой Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фикрича, антибиотиклар «аҳоли саломатлигига хавф туғдирмоқда».

Мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, рухсатномасиз ва сохта йўллар билан ишлаб чиқарилган дори-дармонлар савдоси қизигандан-қизиб бормоқда. Бу эса одамлар заҳарланишига олиб келмоқда.

Le Monde ахборот маҳкамаси хабар беришича, шундай дориларни сотиб олиб, истеъмол қилиш оқибатида ўтган йили Хитойда 80 минг киши ҳаётдан кўз юмган.

ЧЕКЛОВЛАР ҚИСҚАРТИРИЛДИ

Ўтган йили Шарқ мамлакатларида тарқалган ғайриоддий зотилжам (SARS) касаллиги туфайли бу мамлакатларга хорижий сайёҳлар ташрифи камайиб кетди — шу жумладан Сингапурга ҳам. Шу важдан Сингапур ҳукумати мамлакатга Хитойдан келадиган сайёҳларни кўпроқ жалб этиш мақсадида виза тизимидаги айрим чекловларни олиб ташлади. Яъни, кейинги ойдан бошлаб Сингапурга ташриф буюрган хитойлик сайёҳлар аввалгидек 14 кун эмас, балки 30 кунгача Сингапурда қолишлари мумкин.

Reuters агентлиги маълум қилишича, ўтган йили Сингапур сайёҳлик тизими 5,9 миллион доллар даромад кўрган. Бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизини ташкил этади.

Kyodo ахборот агентлигининг хабар беришича эса Япония ҳукумати 2005 йили Айчи префектурасида бўладиган Бутунжаҳон кўргазмасига ташриф буюрувчи хорижлик меҳмонларни виза учун тўловдан озод этди.

Мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги берган маълумотга қараганда, префектура раҳбарияти кўргазмага ташриф буюрувчилар сонини кўпайтириш мақсадида виза учун тўловни бекор қилиш ҳақида мурожаат этган.

МУЗОКАРАЛАР ЯНВАРДА БЎЛАДИ

Шимолий Кореянинг ядро дастури билан боғлиқ олти томонлама — АҚШ, Россия, Хитой, Япония, Шимолий ва Жанубий Корея давлатлари иштирокидаги музокаралар келгуси йил 7 — 22 январь оралиғида Пекинда бўлиб ўтади.

Япония Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, музокарани ўтказишга доир масалани якшанба куни Япония, Жанубий Корея ва Хитой дипломатлари муҳокама этадилар. «Интерфакс» хабарига кўра, мазкур учрашув 2 кун давом этади.

Шарҳ

ЧОРВА МОЛЛАРИ ҚУТУРИШИГА ҚАРШИ

ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

АҚШнинг Вашингтон штатидаги фермалардан бирида қорамол қутуриши, яъни «ғовак энцефалити» касаллиги қайд этилди. АҚШ қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман хонимнинг таъкидлашича, шукрки, ҳозирча фақат битта қорамол ушбу касалга чалинган ва вазият назорат остига олинган. Айни чоғда ҳукумат истеъмолчиларга етказиладиган маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш йўлида зарур тадбирларни қўлламоқда.

Ушбу касаллик ҳақида аввало шуни айтиш керакки, ғовак энцефалити йирик шоҳли чорва моллари учун ўта хавфли. У ҳайвонларда мия фаолияти бузилиши билан характерланади. Ғовак энцефалити ҳатто инсонларда мия касалликларидан бири — Крайцфельдт-Якоб касаллигини келтириб чиқариши мумкин.

Буюк Британия олимлари ўтказган тадқиқотлардан маълум бўлишича, ғовак энцефалити тарқалган ҳудудларда Крайцфельдт-Якоб касаллиги ҳам учраши қайд этилган. Демак, хулоса шуки, мазкур касаллик инсон саломатлигига хавф солиши эҳтимолдан холи эмас.

Касалликка чалинган сигирдан 9 декабрь куни анализлар олинган. Чуқур текширувдан ўтказиш учун тўқималар ҳарбий самолётда Буюк Британияга жўнатилди.

Маълумки, ғовак энцефалити биринчи марта Буюк Британияда 1986 йилда ташҳисланган. Ўшанда умумий ҳисобда 178 минг чорва ушбу касалликка чалинган эди. Ва бу 3,7 миллионта ҳайвоннинг сўйилишига олиб келганди. Фермерлар миллиардлаб зарар кўрдилар, негаки кўпгина давлатлар Британиядан мол гўшти олишни тўхтатиб қўйган эди.

Энн Венеманнинг сўзларига қараганда, мазкур касаллик Америка фермаларида тарқамаслиги учун 1990 йилдан эътиборан, Қўшма Штатларда жиддий чоралар қўлланиб келинмоқда. Ва шунинг учун ҳам мол гўшти экспорти бўйича АҚШ катта муваффақиятларни қўлга киритди.

Бироқ энди...

Гап шундаки, кўпгина давлатлар, жумладан, Япония, Канада, Россия, Мексика, Жанубий Корея, Тайбей, Сяньган, Сингапур, Малайзия, Жанубий Африка Республикаси ва Хитой эндиликда АҚШдан мол гўшти импортини вақтинчалик тақиқлаб қўйди. «Вашингтон пост» газетасида ёзишларича, мамлакат юқорида саналган давлатларга 3,4 миллиард долларлик мол гўшти экспорт қиларди.

Япония, Россия ва Жанубий Корея энг йирик харидорлар ҳисобланади.

Япония Вазирлар Маҳкамаси бош котиби Ясуо Фукуданинг сўзларига қараганда, мазкур касаллик Америкадан келтирилаётган гўшт маҳсулотларининг хавфсизлиги тасдиқланмагунча уларни харид қилиш тўхтатилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, АҚШ гўшт бозорининг деярли чорак қисми Япония улушига тўғри келади. Ўтган йили 842 миллион доллар-лик гўшт импорт қилинган.

Жанубий Кореяга ўтган йили четдан келтирилган 290 минг тонна гўштнинг 185 минг тоннаси АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

Экспертларнинг башорат қилишларича, мазкур касаллик АҚШ иқтисодиётига, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорига ва озиқ-овқат саноатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳозирнинг ўзида «МакДональдс» корпорацияси акциялари баҳоси 5 фоизга, «Уэндис» компанияси акцияларинiки эса 4,7 фоизга тушиб кетди. Мол гўштидан тайёрланган бифштекслари билан машҳур бўлган «Аутбэк стейкхаус» ресторани тармоқлари ҳам зарар кўра бошлади. АҚШда энг йирик ҳисобланган «Тайсон» номидаги гўштни қайта ишлаш корпорациясининг акциялари баҳоси эса бир кунда 7,7 фоизга қадрини йўқотди.

Шунинг учун ҳам вазиятни ўнглаб олиш йўлида қатъий чоратадбирлар белгиланмоқда. Жумладан, Оқ уй маъмуриятининг қишлоқ хўжалиги бўйича экспертлари баёнот беришларича, шу кунларда АҚШ университетларининг етакчи олимлари томонидан қорамол қутуришига қарши комплекс дастур ишлаб чиқилмоқда. «Яратилган тизимга кўра ҳар бир жониворнинг қачон, қаерда туғилганию, қандай озуқа билан қаерда боқилаётгани, қандай касалликларни бошидан ўтказгани хусусида бир зумда билиб олиш имкониятига эгамиз. Энди бу тизимни янада мукаммаллаштириш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқдамиз», дейди Колорадо университети профессори Том Филд Associated Press агентлигига берган интервьюсида.

Яна бир гап: АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти эса ҳозирги шароитда чорвани суғурталашни вақтинча тўхтатиб туришга қарор қилди. Шу кунгача чорвасини суғурталаган фермерлар агар вазият тақозо этса ҳеч қандай гап-сўзсиз товон пулини олишлари мумкин.

Ғайрат СУЛТОНҚУЛОВ

Grand Mir Hotel

Ўзбекистон халқини
ЯНГИ — 2004 ЙИЛ
билан муборакбод этамиз.

Хар биригизга бахт-саодат ва равнақ, иқтисодий ислоҳотлар йўлида муваффақиятлар тилаймиз.

ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА ҚУТЛУҒ КЕЛСИН!

Спорт

МУРУВВАТ БОР ЖОЙДА...

Болаларимизни ақлан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида лозим. Болалар спортига катта эътибор берилаяпти. 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши эса эзгу ишларимизга мантиқий ривож бағишлайди, дейиш мумкин.

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида бўлиб ўтган тадбир ҳам ана шу мақсадларни ўз ичига олган эди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ва «APLA» жамоат жамғармаси ҳамкорликда уюштирган хайрия тадбирида ногиронлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва бошқа меҳрга муҳтож болалар учун дастурхон ёзилди, кўнгилочар дастурлар намойиш этилди. Эътиборлиси,

ногиронлар учун мослаштирилган спорт мусобақалари ташкил қилинди. Айниқса, шахмат-шашка беллашувлари кескин руҳда ўтди. Ғолибларга ўқув қуроллари ва спорт анжомлари топширилди.

Анвар САМАДОВ

Суратда: Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали директори Асқар Толибжонов ғолибларга совға топширмоқда.

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«ПАХТАКОР» ВА «НЕФТЧИ»НИНГ РАҚИБЛАРИ

Куала-Лумпур (Малайзия)да жойлашган Осиё Футбол конфедерацияси қароргоҳида қитъа чемпионлари лигаси баҳсларига қуръа ташланди. Унда мамлакатимизнинг етакчи жамоалари — «Пахтакор» (Тошкент) ҳамда «Нефтчи» (Фарғона)нинг рақиблари маълум бўлди.

Қуръага кўра, қитъамизнинг энг кучли 28 жамоаси етти гуруҳга бўлинди. Иккинчи маротаба уюштирилаётган навбатдаги мусобақа тартиби аввалгисидан бироз фарқ қилади. Яъни, бу сафар фақат гуруҳлар ғолиби, деб топилган етти жамоа чорак финалга йўлланма олади. Сўнгра, кейинги босқичда Осиё чемпионлари лигасининг илк ғолиби «Ал-Айн» жамоаси улар сафига қўшилади. Мусобақанинг яна фарқли жиҳати, 2004 йилги баҳслар февраль ойида бошланиб, ғолиб декабрда маълум бўлади.

Ўзбекистон чемпиони Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси «А» гуруҳидан жой олган. Пахтакорчилар чорак финалга чиқиш учун «Зоб Аҳан» (Эрон), «Ал-Риффа» (Бахрайн) ҳамда «Қатар спортс клуби» (Қатар) жамоалари билан баҳс юритадилар.

Мамлакат XII миллий чемпионати кумуш медали соҳиби — «Нефтчи» футболчилари эса мусобақанинг «Д» гуруҳида «Сепахан» (Эрон), «Ал-Араби» (Қувайт), «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) жамоаларига қарши майдонга чиқишади.

Ўйинлар тақвими эса қуйидагича белгиланган:

Гуруҳ босқичи
1-тур — 11 февраль
2-тур — 25 февраль
3-тур — 7 апрель
4-тур — 21 апрель
5-тур — 5 май
6-тур — 19 май

Чорак финал
Дастлабки учрашувлар — 15 сентябрь
Жавоб ўйинлари — 22 сентябрь

Ярим финал
Дастлабки учрашувлар — 20 октябрь
Жавоб ўйинлари — 27 октябрь

Финал
Дастлабки ўйин — 24 ноябрь
Жавоб учрашуви — 1 декабрь

Эркин ХОЛБОБО

ЧУСТИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИГА

Наманган (ЎзА мухбири И.Раззоқов). Келгуси йилнинг ёзида Наманган вилоятида ўтган асрнинг таниқли шоири ва жамоат арбоби Чустийнинг (Набихон Хўжаев) юз йиллиги кенг нишонланади.

Шоир ва маърифатпарвар, машҳур ғазаллар муаллифи, адабий таржима устаси Чустий 1904 йилда Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида туғилган. Асосий юбилей тантаналари ҳам айнан мана шу шаҳарда бўлиб ўтади. Чустийнинг ижодини, унинг ватанпарварлик, шон-шараф, ҳақгўйлик, Ватанга содиқлик, озодлик ва фаровонлик йўлида фидокорлик каби қадриятларни тараннум этган шеърлари ва ғазалларини ўрганишга алоҳида эътибор берилади.

Ҳикматли сўзлар маъноси

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАДИ

«Кўнгилдан кўнгилга йўл бор»; «Дил — дилнинг ойнаси»; «Дил дилдан баҳра олади»; «Дил дилнинг заҳрини олади»; «Қалб — қалбга элчи»; «Юрак юракка дарак беради». Бу мақоллар билан: «Инсон қалби шундайки, у ўзгалар қалбини сезади, тушунади, билади. Ўзга қалбни ўзига ром этмоқ учун унга йўл топмоқ кифоя», дейилмоқчи.

КЎНГИЛСИЗ ГАПНИНГ КЕЧИККАНИ ЯХШИ

Кўнгилсиз гап — ёмон, шум хабар (масалан, ўлим, уруш, ёнғин, ҳалокат, фалокат тўғрисидаги хабар) бўлиб, у ҳар қандай кишининг тинчлигини бузади, ҳаловатини йўқотади, асабини қўзғайди, дард-ҳасрат келтиради, азоб-уқубатга солади. Мазкур мақол билан: «Кўнгилсиз гапни киши аввалambor эшитмагани маъқул. Эшитган тақдирда ҳам, кечроқ, кейинроқ эшитгани маъқул», дейилмоқчи.

КЎРАР КЎЗИМ КЎРМАС БЎЛДИ, БИЛАР БИЛИГИМ БИЛМАС БЎЛДИ

Баъзи одамнинг ўз бойлигига, ё мансабига, ё илм-билимига ғурурияти зўр бўлади. Бундай одам босар-тусарини билмай, бошқаларни назар-писанд қилмай, кишиларнинг панд-насиҳатига қулоқ солмай қўяди. Вақти келиб, шу ғурурланиб юрган нарсасидан ажрайди-да, пушаймон қилишга тушади. Аммо, бунинг фойдаси йўқ, чунки вақт ўтган бўлади. Юқоридаги мақолни шундай пушаймон бўлганлар тилидан айтганлар ва уларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллайдилар.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Anvar SAMADOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 164

7619 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5

SOTUVDA ERKIN NARXDA

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ
КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

мамлакатимизнинг барча фуқароларини янги — 2004 йил билан муборакбод этади. Шу билан бирга бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган шифобахш табиий иқлимга, маъданли сувларга, барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга чорлаймиз.

Қорақалпоғистон Республикасида:
«Гулпаршин» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«Айдос Қала» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, ҳаракат-таянч аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.

Тошкент шаҳрида:
«Турон» ОАЖ санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«Чинобод» ОАЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма:
Хазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлар.

Тошкент вилоятида:
«Ботаника» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«Бўстон» санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«Умид Гулшани» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Гинекологик ва андрологик касалликлар.

«Оқ-Тош» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Андижон вилоятида:
МЧЖ «Марҳамат» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб ва сурункали тери касалликлари.

Бухоро шаҳрида:
«Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлари.

Жиззах вилоятида:
«Зомин» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари.

Қашқадарё вилоятида:
«Қашқадарё Соҳили» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«Мироқи» МЧЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма:
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Наманган вилоятида:
«Чортоқ» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«Косонсой» МЧЖ санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари.

«Ниҳол» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари.

Самарқанд вилоятида:
«Абу Али ибн Сино» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Фарғона вилоятида:
«Чимён» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Хоразм вилоятида:
«Хонқа» санаторийсида даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.
Даволаниш муддати — 18 кун.

Йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон йўлланмалардир!

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДҲдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. Мурожаат учун телефонлар: 56-85-68, 56-70-97.